



Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O'zingni angla!

Газетамизга
2009 йил учун
обуна
бошланди.
**Муштарийларимиз
сафиди бўлинг!**
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * 2008-yil 19-noyabr, №48 (603) * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://www.hurriyat.uz

АЛДАНГАНЛАР ҚИСМАТИ


Тошкентнинг "Ипподром" бекатида етиб келганимизда тун яримлаб қолган эди. Автобусда ухлаб тонг оттирдим. Эрталабга яқин орадаги ошхонада овқатландим. У ерда менга ўхшаб, иш қидириб юрганлар кўп экан.



2-бет

ҲИНД ХАЛҚИНИНГ БОБУРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМИ

Ушбу фильм бир қарашда бобурийлар шажараси вакилларидан бири Акбаршоҳ ва унинг ёри Жодҳа ҳақида. Аммо фильмнинг асл госяси эса инсонлар ўртасидаги муносабатлар, шу жумладан, бир минтақа ёки давлатда яшаб келаётган турли миллат ва мазҳабга мансуб бўлган одамлар диний бағрикенглиги госясининг талқинидир.



4-бет

«АСАРЛАРИМ ВАТАН ҲАҚИДАГИ ҚЎШИҚЛАРДИР»

Ўзбек тасвирий санъати ижодкорлари орасида ўз услуби ва ҳеч кимга ўхшамаган ранглари билан халқимизнинг ҳурмат-эътиборини қозongan Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ортиқали Қозоқов номи алоҳида жаранглайди.



8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Малайзия Бош вазири Абдулла Аҳмад Бадавий 16-18 ноябрь кунлари расмий ташриф билан юртимизга бўлди. Ташриф чоғида Ўзбекистон—Малайзия ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинди. Ўзбекистон Президенти ва Малайзия Бош вазирининг яқма-яқма суҳбати бўлди. Юксак мартабали меҳмон мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовга самимий қабул учун миннатдорчилик билдириди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 ноябрь кунини "Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонга имзо чекди.

11-12 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Мажлиси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова олов берди. Музокаралардан сўнг Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджетини маъқуллаш ва тегишли қарор қабул қилди. Мажлисида бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам муҳокама этилиб, бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Руминия ташқи ишлар вазири Лазар Комэнеску раҳбарлигидаги делегация 18 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилдором Тошмухамедова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Руминия ўртасидаги алоқалар бошқа йўналишлар қатори парламентаризм соҳасида ҳам ривожланиб бораётгани таъкидланди. Учрашувда парламентларо алоқаларни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Шу кунини Лазар Комэнеску Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири В.Норов билан учрашди. Икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларнинг бутунги аҳволи ва истиқболди юзасидан фикр алмашилди.



Мамлакатимизда мустақиллик йилларида хорижий давлатлар билан маданий-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши чет тилларни муккамал билладиган кадрларга эҳтиёж туғдирди. Шу боис юртимизда таълим соҳасининг барча босқичлари тубдан ислох этилиб, истеъдодли ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлимига қарашли 29-сонли араб тили чуқур ўргатиладиган умумтаълим мактабида ҳам бу борада айтишга арзиғулик ишлар амалга оширилмоқда. Ўқув даргоҳида таълим олаётган ёшларнинг нафақат араб тили, балки бошқа хориж тилларини ўрганишга ҳам иштиёқлари жуда баланд.

Абдузоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Илк бор ўқиб маънисига етган, руҳиятига синган, ҳиссиётларини тўлқинлантирган асар умр бўйи китобхонининг раҳроҳи бўлади. Шунинг учун ҳам бола тарбиясида у мутолаа қилаётган асарларнинг аҳамияти катта. Ота-оналарнинг ўз фарзандига яхши китоб соғва қилиши эса ўша оилада бола маънавиятига бефарқ қаралмаслигидан далолат.

КЎРГАЗМА

Нафақага чиқмайди дўст

Яқинда Халқ таълими вазирилик, Матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзбекитобсавдо" давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлар ва ўқув методик қўлланмалар кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиз ва Тошкент вилояти мактаблари раҳбарлари, фан ўқитувчилари, кутубхоначилар, қолаверса ота-оналар ва ўқувчилар иштирок этди. Дарсликлар, ўқув қўлланмалар, кейинги ўқув йили учун мўлжалланган дарсликларнинг макетлари, болалар адабиётлари, энциклопедиялар ҳамда турли тиллардаги лугатлар кўргазмага қўйилган бўлиб, бу ерга ташриф буюрганлар билан наشريётларнинг ходимлари иштирокида суҳбатлар уюштирилди, тушунтириш ва тавсиялар берилди.

Кўргазманинг тантанали қисмида халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов сўзга чиқиб, ушбу тадбир ота-оналар учун фарзандларига дарсликларни очик савдо орқали сотиб олиш имкониятини яратиши, кўргазма бир ой давомида Тошкент шаҳри ва мамлакатимиздаги барча вилоятларда давом этиши ҳақида маълумот берди. Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Уткир Жўраев таъкидлаганидек, ушбу тадбир китобларга бўлган эҳтиёжни аниқлашга ёрдам беради. Талаб аниқлангач эса наشريётлар томонидан уларни кераклича нашр этиш йўлга қўйилади. Бунда барча ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчиларнинг фаоллиги ўта муҳим аҳамият касб этади.


Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид эса китоб мутолаа қилишнинг аҳамияти ҳақида шундай деди: "Дунёда бизни ташлаб кетмайди дўст, муаллим бор. У нафақага чиқмайди, маош сўрамайди. Сизга беминнат кўмак беради. Уни китоб дейдилар. У билан дўст тутишган инсоннинг барча оруз-истаклари рўёбга чиқади".

Дарҳақиқат, китоб ҳамма эзгуликларнинг йўлбошловчиси. У билан дўст тутишган болаликдан интилангандагина самаралидир. Зотан, ёшлиқда олинган билим бамисоли тошга ўйилган нақш, дейишади.

— Бошланғич синф ўқувчилари биздан кўпроқ китоб сўрайди,— дейди пойтахтимиздаги 1-араб тилига ихтисослаштирилган мактаб кутубхоначиси Соғина Эгамова.— Аммо негадир айнан 1-4-синф ўқувчилари учун мўлжалланган баддий китоблар, эртақлар асосан юпқа муқовада чоп этиляпти. Уни кўпи билан тўртта ўқувчи ўқийди, холос. Қалин муқовадаги юқори дизайнда нашр этилганлари эса жуда қimmat. Менимча, ноширларимиз шу ҳақда ҳам ўйлаб кўришса яхши бўларди.

Умуман, кўргазма маънавият хазиналарининг ўз соҳиблари етиб бориши йўлида самарали хизмат қилиши шубҳасиз.

Ситора ШАМСИДДИН кизи,
"Hurriyat" мухбири.



Газета "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилди.

ОБУНА—2009

Шифокорлар ташаббуси

Фаргона вилоятидаги Охунбоев туманининг соғлиқни сақлаш ходимлари энг долзарб масалаларда доимо ташаббускорлик намунасини кўрсатиб келишади. Масалан, қишки мавсумга ҳозирлик қилиш бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар энг биринчилар қатори амалга оширилди. Шифокорлар ички имкониётлардан тўлиқ фойдаланиб, барча поликлиникалар, туғуруқхоналар ва шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктларининг иситиш ускуналари фаолиятини талаб даражасида бўлишини таъминлаб қўйишди. Шу мақсадда сарфланган қарийб 50 миллион сўмлик маблагнинг асосий қисми бевосита жамоанинг ташаббускорлик ва ушшоқлик билан ўтказилган ҳашари асосида амалга оширилди.

Шифокорлар яқинда яна бир ташаббус билан чиқиди. Улар республикамизнинг етакчи газета-журналлари

ри ҳамда вилоят нашрларида 2009 йилда обуна бўлиш учун бир кунлик иш ҳақларини ажратишга қарор қилишди. — Бу тадбирнинг афзаллиги шундаки, — дейди туман тиббий хизмат бирлашмаси бошлиғи, олий тоифали шифокор Авазбек Фаниев, — эндиликда обуна учун пул йиғиш ташвишига ҳолат йўқ. Ҳар бир ходимга унинг бир кунлик иш ҳақи миқдоридан ўзи истаган нашрга обуна қитанциялари топширилади. Масалан, "Hurriyat" газетасига шу кунгача жамоамизда 25 нафар ходим обуна бўлиш истagini билдириб, бирлашманинг "Обуна — 2009" штабига буюртма берди.

Вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам охунбоевлик шифокорлар ташаббуси маъқуллашмоқда.

Солих ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири.

"Hurriyat" доимий ҳамроҳимиз

Ҳар йили "Hurriyat" газетасига обуна бўламиз. Унинг таҳламлирини доимо сақлаймиз. Чунки бу нашр биз журналистлар учун бир марта ўқиб қўядиган, ёки бирров кўз югуртирадиган газета эмас. Унга доимо мурожаат қилиб тура-

миз ва касбимизга, ҳаётимизга оид қўллаб мақолалардан фойдаланамиз. "Ўзбекистон матбуоти" журнали ва "Hurriyat" газетаси ОАВ ходимлари учун малака ошириш маркази, маҳоратини чарчлаш мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боисдан Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туман "Машъал" газетаси бош муҳаррир ўринбосари Маъмуржон Бозоралиевнинг шу йилнинг 5 ноябрь кунини чоп этилган "Ҳаётий зарурият, маънавий эҳтиёж" мақоласида кўтарилган фикрларга тўлиқ қўшилди. Барча ОАВ ходимларини "Hurriyat" газетасига обуна бўлишга чақирамиз.

Бу йил ҳам биринчи навбатда сеvimли нашримизга обуна бўлди. 2009 йилда ҳам ундан касбимизга оид қизиқарли, фойдали мақолалар кутиб қоламиз.

Норкуват ТУРАЕВ,
Термиз шаҳри.

ДУНЁ СИЁСАТИ

Молия суди иш бошлади



Хитойнинг Шанхай шаҳрида мамлакатдаги биринчи молия суди иш бошлади. У Пундун туман халқ суди ихтиёрида фаолият кўрсатади. Бу ҳақда China Daily газетаси хабар тарқатди.

Хабарда таъкидланишича, ушбу суд банк, савдо, қимматбаҳо қозғолар ва сугурта тизимидаги жиноятларни кўриб чиқади. Молия судини ташкил этиш билан Шанхай шаҳри раҳбарлари бир йўла икки масалани ҳал қилишмоқчи.

Биринчидан, улар судьялар, экспертлар, улар юристлар учун янги иш ўринлари ташкил этишди. Иккинчидан эса, Пундунда энг йирик молия муассасалари жойлашган. У ерда кейинги йилларда қўллаб иқтисодий жиноятлар содир этиляпти. Суд уларнинг олдини олишда ёрдам бериши мумкин.

2006 йилдан буён Пундун халқ суди 5603 та иқтисодий жиноятларни кўриб чиққан.

5»

"Чуваланган калава"

(15 октябрь, 2008 йил)

Газетамизда чоп этилган юқоридаги сарлавҳали мақолада суд ижрочиларининг ўз зиммаларидаги ижро ишларига турлича муносабат — айрим ижро ишларини бажаришга эътиборсиз ташлаб қўйилиши аниқ мисоллар асосида мулоҳаза билдирилган эди. Ушбу мақолага икки мутасадди идорадан жавоблар олинди. Хусусан, Тошкент шаҳар прокуратурининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси М.Обидов имзоси билан келган жавобда шундай дейилади:

"Hurriyat" газетасининг 2008 йил 15 октябрдаги сонидида "Чуваланган калава" сарлавҳали мақола чоп этилиб, унда тегишлича суд қарорларининг ижроси таъминланмаётганлиги ҳолатлари юзасидан суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти томонидан хизмат текширувлари ўтказилиб, ижро ҳужжатларини ижросини таъминлашда мuddат бузилишига йўл қўйган суд ижрочилари Юнусовод туман бўлими собиқ катта суд ижрочиси Р.Қаршибоев, Миробод туман собиқ суд ижрочилари Д.Ҳамидуллоев ва С.Усмоновларга нисбатан интизомий жазо қўлланилиши лозим бўлса-да, уларнинг эғаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги инобатга олинган.

Хозирда "Agro Inter" МЧЖ ҳисобидан ундирувчи "Spektrum International LLC" компанияси фойдасига 82117,39 АҚШ доллари ҳамда қардор "Central Asia Petrochemicals" Буюк Британия компаниясининг ваколатхонаси ҳисобидан ундирувчи "International Petroleum Group Limited" МЧЖ шаклидаги чет эл корхонаси фойдасига 809166,40 АҚШ доллари ундириб турғисидаги ижро ҳужжатларининг ижроси Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан алоҳида назоратга олинган бўлиб, мажбурий ижро ҳаракатлари давом этмоқда.

Шунингдек, маъмур мақолага Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти директори ўринбосари У.Абдуллоевдан олинган жавобда ҳам юқоридаги мазмунда маълумотлар биттилган.

ЖАВОБ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИДА

“Косонсой” сихатгоҳи чорлайди

Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида “Косонсой” оромгоҳи ҳақида мақола чоп этилган эди. Унда ушбу дам олиш масканининг бетакрор чиройи, сўлим табияти ва шифобахш жихатлари ҳақида сўз юритилган ҳолда оромгоҳдаги айрим муаммолар ҳам тилга олинган эди.

Яқинда муҳбиримиз бетакрор тоғлар бағрида жойлашган ушбу сихатгоҳда бўлиб, бу ердаги аҳвол билан яқиндан танишиб, кейинги пайтларда бир қатор ижобий ишларга қўл урилганлигининг шохиди бўлди.

Чоқол тоғ тизмалари этагида, денгиз сатҳидан 943 метр баландликда ва Косонсой дарёси бўйида жойлашган ушбу худуд табиятининг бетакрорлиги, сўлим ва хушманзаралиги билан ажралиб туради. Косонсой — Наманган вилоятидаги энг хушманзара ва баҳаҳо туманлардан ҳисобланади. Шу боис бу ерда “Косонсой” санаторийси барпо этилганлиги ҳам бежиз эмас. Энг муҳими, об-ҳавонинг мўътадиллигидир. Хусусан, ёзда ҳавонинг ўртача ҳарорати +20-24 даража иссиқ, қишда —1 ва +1 дан иборат бўлади.

Сихатгоҳга келиб дам олувчи кўп. Уларнинг сони ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Маъмуриятдан олинган маълумотларга кўра, ўтган йили 3301 киши даволанган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 3908 кишини ташкил қилди. Сихатгоҳга асосан Фарғона vodiysi ва Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ҳамда пойтахтимиз аҳолиси келиб ҳордиқ чиқаради.

— Бизда иқлим ва табиий маданий сув ҳам даво ҳисобланади, — дейди сихатгоҳ директори Нўмонхон Мўйдинов. — Муолажаларимиз ҳаракат таянч органлари, ошқозон-ичак, асаб, юрак қон томир системаси, нафас олиш йўллари, аёлларнинг ички органлари ва сийдик йўллари касалликларини даволашга йўналтирилган. Умуман бизда одамларнинг мазмуни ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит яратилган. Жомамиз дам олувчиларнинг тақлиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб, ишимизни ташкил этишга хара-

кат қилади. Биз сихатгоҳда бўлиб, унинг фаолияти билан батафсил танишдик. Аввало, шуни қайд этиш зарурки сихатгоҳ худуди обод бўлиб, бу кишининг кайфиятини кўтарди. Кенг асфальтланган йўлақлар, турли манзарали дарахлар одамнинг эътиборини тортиб, гўё бу чор-атроф табиятига ҳамохангай туюлади. Ўтган икки йилда ободонлаштириш ишларига 12 миллион сўм сарфланибди. Даволаш бўлимлари қайта реконструкцияси учун қарийб 275 миллион сўм маблағ ажратилибди. Хориждан энг сўнгги русумдаги тиббиёт асбоб-ускуналари олиб келиб, ўрнатилди. Эндиликда улар дам олувчиларнинг дардига дармон бўлмоқда.

Сихатгоҳда кейинги пайтда яратилган қулайликлардан яна бири, замонавий оилавий кotteжларнинг бунёд этилганлигидир. Деразалари шундоқ дарага қаратиб қурилган, барча қулайликларга эга сакизта кotteжда дам олувчилар фарзандлари билан мароқли ҳордиқ чиқариши мумкин. Бундай қулайлик дам олувчилар сонининг орттишига сабаб бўлмоқда.

Сихатгоҳдан бир неча метр бўлган, дарё бўйидаги табиий пулоқдан чиқаётган маъданли сувнинг шифобахшлигини ҳам олимлар эътироф этишмоқда. Мутахассисларнинг ҳулосасига кўра, бу сув таркиби жиҳатидан дунёнинг энг машҳур сихатгоҳлариникидан қолшмайди. Табиий ҳарорати 27 градус бўлган ушбу “оби ҳаёт” бир неча хасталикларга даво ҳисобланади. Ундан истеъмол қилиш ва ванна қабул қилиш мумкин.

Умуман, бу ерда муолажаларнинг тури кўп бўлиб, юртимизнинг



йирик шаҳарларида жойлашган санаториялардагидан асло қолишмайди. Ташхис қўйиш учун алоҳида лаборатория мавжуд бўлиб, у барча ускуналар билан жиҳозланган.

Биз сихатгоҳ бўлимларининг ҳар бирида мавжуд бўлган тақлиф ва мулоҳазалар дафтаридаги дам олувчиларнинг дил сўзлари билан қизиқдик. Уларда жомоа аъзоларининг хушмуомалалиги, муолажаларнинг қўлиги, табиатнинг хушманзаралиги, яратилган шарт-шароитлар тўғрисида миннатдорчилик билан ёзилган.

Дам олувчиларнинг айримлари билан учрашиб, улар билан суҳбатлашдик.

— Ёшим 80 га яқинлашиб қолган, — дейди Шаҳрихон туманидаги “Пахтаобод” фуқаролар йиғинининг Дўрмон қишлоғида истиқомат қилувчи Остонакул ота Хурбоев. — Шу ёшга кириб тетик ва бардам юришимда дам олишнинг ўрни катта, албатта. Деярли ҳар йили оилам билан бирор жойда ҳордиқ чиқарамиз. Бу ерда биринчи марта бўлишимиз. Шарт-шароит бизга жуда маъқул бўлди. Айниқса, жомоа аъзоларининг хушмуомалалиги, муолажаларнинг сифатлиги ва ўз вақтида берилиши, шу билан бирга шифокорлар-

нинг одамларнинг соғлигини доимо назорат қилиб боришининг ўзи бир муолажа десак бўлади. Эртаниндин уйга қайтаман. Лекин насиб қилса, келгуси йилда ҳам турмуш ўртоғим билан бу ерга келишимизни кўнглимизга тугиб қўйдик.

Кўқон шаҳридаги қурилиш корхоналаридан бирида ҳисобчи бўлиб ишлайдиган Матлуба Фозилова ҳам ўз таассуротлари тўғрисида бизга шундай деди:

— Иккинчи марта шу ерга келишим. Асабларим анча чарчаган экан, ҳозир яхши бўлиб қолдим. Ҳамма муолажалар бор. Энг асосийси, табиати хушманзара, ҳавоси тоза. Сихатгоҳ аҳоли яшаш жойидан четроқда жойлашгани боис тинч. Ҳеч қим безовта қилмайди.

Сихатгоҳдаги кутубхона, маънавият ва маърифат зоналари доимо дам олувчилар билан гавжум. Маънавият ва маърифат хонасида кўп йиллик ўқиш мумкин. Сихатгоҳ ховлисининг йўлакларидagi доноларнинг турли ўғитлари битилган, чиройли ранглар билан безатилган ёзувлар ҳам одамларнинг маънавиятини ошириши шубҳасиз.

Дам олиш маскани жомоаси мамлакатимиз Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган турли тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Хусусан, 2005 йили “Йилнинг энг яхши санаторийси” танловида қатнашиб, республика Курортлар бошқармасининг 1-даражали дипломи ва қимматбаҳо совғаси билан тақдирланди. 2006 йилда эса “Ҳамшира-2006” кўрик-танловида 1-ўринни олганлиги фикримизнинг исботидир.

— Мақсадимиз дам олувчиларга янада кўпроқ қулайликлар яратиш ва уларнинг мазмуни ҳордиқ чиқариши учун доимо изланишда бўлиш, — дейди сихатгоҳ директори ўринбосари Абдулла Қаландаров. — Биз бор саяёҳ-ҳаракатимизни шу мақсадга йўналтирганмиз. Йилдан-йилга муолажалар сони ва яратилаётган шарт-шароитлар кўлама кенгайиб бормоқда. Буни дам олувчилар ҳам эътироф этишяпти. Буларнинг барчасини мавжуд ички имкониятларимиз ҳисобига амалга оширишга интиляпмиз. Бизда иккинчи даражали ишнинг ўзи йўқ. Масалан, худудимиздаги боғлардан ўтган йили 2 миллион сўмдан ортиқ, жорий йилда эса 1 миллион 200 минг сўмга яқин даромад олган бўлсак, уларнинг барчасини фаолиятимизни кенгайтиришга йўналтирдик. Тўғри, ишимизда айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Лекин биз уларни доимо ҳисобга олиб, зудлик билан бар-тараф этишни режалаштирамиз. Ниятимиз дам олувчиларга янада кўпроқ қулайлик яратиш, уларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун барчамиз бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилиш.

Сихатгоҳ фаолияти билан танишиб ортага қайтар эканмиз, кузнинг салқин ҳавоси этни бироз жунжиқтирди. Лекин шундай бўлса-да бу ерда дам олувчилар сони камайгани йўқ. Бу ҳам сихатгоҳ жомоаси меҳнатининг эътирофи десак, тўғри бўлади.

Дарвозадан чиқаришда хизматда турган йиғитнинг хушмуомалалиги билан дам олиб қайтаётганларга “Келиб туринг” деган сўзларини эшитиб, ходимларнинг хушмуомалалигига биз ҳам ишонч ҳосил қилдик.

Ҳосил КАРИМОВ, “Hurriyat” муҳбири.



НАВОИЙ ШАҲРИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Навоий шаҳрида шаҳарнинг 50 йиллигига бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди.

Бу талбир Ўзбекистоннинг хоржий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши, Ўзбекистон-Бельгия дўстлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Бельгиянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, вилоят ва Навоий шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Фазо» телевидениеси ҳамкорлигида уюштирилди. Семинарда «Навоий шаҳри — олимлар нигоҳида», «Навоий — ёшлар шаҳри» мавзуларида НДПИ профессори, тарих фанлари доктори С. Иноғтов ва республика Маънавият тарбияот марказининг вилоят бўлими раҳбари Ф. Йўлдошевларнинг қизиқарли маърузалари эшитилди.

Талбирда шунингдек, Бельгиянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси фахрий консули жаноб Жап-Клод Божан, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, академик Саидхор Фулмолов ҳамда Ўзбекистон-Бельгия дўстлик жамияти ижрочи директори Фарҳод Умаровлар иштирок этишди.

Азим РҶЗИЕВ, “Hurriyat” муҳбири.

«NVISION GROUP» НИНГ ЯНГИ ОФИСИ

IT-хизматлар бозорида мураккаб ахборот-коммуникация тизимлари соҳасида етакчилардан ҳисобланадиган «NVision Group» компанияси Тошкентда ўзининг янги офисини очди.

Бу компания ўзининг қарийб 8 йиллик фаолияти давомида Россия ва МДҲ мамлакатларининг йирик алоқа операторлари учун корпоратив ва оператор сифидати алоқалар ҳамда мультимедиа тизимини қуриш борасида лойиҳалар яратиб, уларни муваффақиятли амалга оширди. Шунингдек, корпоратив ва давлат бюрократияларининг IT-инфраструктураларини мониторинг ва бошқаруви комплекси тизимини ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этди. Бугунги кунда 650 га яқин мутахассис, шу жумладан, 300 нафар тизим муҳандиси меҳнат қиладиган компания лойиҳаларининг асосий қисми худудларда корпоратив алоқа тармоқларини, овоз, маълумот ва видео узатиш транспорт пакет тармоқларини қуришда.

«NVision Group»нинг пул айланмаси ҳар йили деярли икки баробарга ортиб бормоқда. Жорий йилнинг якунига келиб, у 500 миллион АҚШ долларига етиши кутулаётир.

Ислом СУЛТОНОВ, “Hurriyat” муҳбири.

ЖИНОЯТЧИ АЁЛЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Пойтахтимизда ноқонуний фаолият олиб бораётган «Ҳизб-ут таҳрир» диний-экстремистик ташкилотининг аёллар гуруҳи фош этилди.

Маълум бўлишича, 35-ёшли Карима Ҳикматова ва 26-ёшли Муҳаббат Солиқова «Ҳизб-ут таҳрир» яширин экстремистик партиясининг Тошкент шаҳри Собир Раҳимов, Юнусов ва Шайхонтоҳур туманлари гуруҳларини бошқариб, аёз йўллари билан қўлаб аёлларни акцилсизлантириш, экстремистик фаолиятга жалб қилиб келган. Шунингдек, ташкилотга аъзо 27 нафар хотин-қизни янги аёлларни жалб қилиш, маблағ тўлаш ва аҳоли ўрғасида диний-экстремистик алаб-ёлларни тарқатишга мажбурлашган. Тергов натижасида пойтахтдаги яширин тизимнинг тасвирини «Ҳизб-ут таҳрир»нинг хорийдаги марказлари билан алоқалор, улардан тўғридан-тўғри кўрсатма олаётган шахслар — ташкилотнинг Тошкент шаҳри ва вилояти бўлиmlарини бошқараётган Дурдона Мирсоётова, Наргиза Миртолибова ва Фотима Эринбоевалар турганлиги аниқланди.

Иномжон АБДИЕВ, “Hurriyat” муҳбири.

НАЗОРАТ ПОСТИНИНГ ЯНГИ ВИНОСИ

Тошкент вилоятининг Тошкент туманида янги «Навоий» чегара ва боғжона назорат ўтказиш пости фойдаланишга топширилди.

Очилган маросимда сўзга чиққан Давлат боғжона қўмитаси раиси С. Носиров чегара ва боғжона хизматлари фаолиятини тақомиллаштириш, моддий-техника базасини янада ривожлантириш, чегара ва боғжоначиларга замонавий шарт-шароит яратиш борасида амалга ошириладиган кенг қўламли ишлар ўзининг ижобий самарасини бераётганини таъкидлаб ўтди.

Бу ерга авиотранспорт воситалари, товарларини йўловчиларнинг юкларини назоратдан ўтказиш учун замонавий рентген ашаратлари, тарозилар, радиация портал мониторлар, кузатув ва алоқа воситалари ўрнатилди. Боғжона, чегара, санитария-эпидемиология, ветеринария-квараинт ва бошқа хизматлар ходимларининг самарали меҳнат қилиши ҳамда дам олиш учун барча шарт-шароит яратилган.

Ситора ТОЖИДИНОВА, “Hurriyat” муҳбири.

ТРАФИКА

Алданганлар қисмати

Онахон нотаниш кимсанинг бир-биридан ширин ваъдаларига ҳамда “хўп, де-яқолинг ойиҳон” деб турган ўғлининг кўзларига алданди. “Ҳа, майли, бир-икки йил ишлаб келса, йўлини топиб кетар. Келган заҳоти уйлантириб қўяман”, деб ўйлади она. Аммо мана, уч ойдан ошдики, ўғлидан бирор хат-хабар йўқ. Волиданинг бошқалардан суриштириб билгани шуки, хориждаги бошлиғи ишчиларга маошини кейинроқ, аниқроғи уйига қайтаётганда беришни ваъда қилганимиш. Она умид билан йўлга қарарди. “Майли, пул топиб келмаса ҳам ўзи қайтиб келсин, ёлғиз ўғлининг дийдорини кўрсам бўлгани”, дерди онаизор. Аммо орадан бир йил ўтиб, ўғлининг вафот этди, деган совуқ хабар келди. Кўзига дунё қоронғу бўлиб кетган онанинг юраги чок-чокидан узилди. Унинг фарёидан бутун маҳалла аҳлининг вужудига титроқ инди. Телбанамо бўлиб қолган аёлнинг аҳволини тушуноқ мушкул эмасди.

Кўни-қўшни пул йиғиб, йиғитнинг жасадини олиб келиши ва қишлоқ қабрисига дафн этишиди. Ёлғиз ўғлидан жудо бўлган онага тасалли беришининг ўзи қийин эди. Оқоридаги сўзлар қайсидир ҳикоядан олинган парча ёки тўқилган эртақлардан эмас, балки реал воқелиқидир. Эҳтимол, сиз ҳам шунга ўхшаб воқеаларни эшитгандирсиз. Инсоният яралариндан бери қанчадан-қанча замонлар ўтди, тузумлар ўзгарди. Турли таомил ва қонун-қондалар ҳам шунга мос равишда тақомиллашиб борди. Таассуфки, биз яшаётган XXI асрга илм-фаннинг мислсиз имкониятлари билан бирга башариятнинг эски дардлари ҳам қўчиб ўтди. Минтакавий зиддиятлар, ҳалқаро терроризм, нарқобизнес ва одам савдоси шулар жумласидандир. Бугун айниқса, инсонни ҳайвондай аўраладиган, уни поёнсиз азабларга маҳкум этадиган одам савдоси кун сайин авж олиб бормоқда.

Аммо куллик деган тушунчанинг бугунги шакли олдинги замонлардагидан анча фарқ қилади. Бугун одамлар не тонғи, ўз оёқлари билан, ҳа, ўз оёқлари билан қуллиқ сари бормоқда. Баъзи ватандошларимизнинг соддадиллиги ва ўз ҳуқуқларини билмасликлари эса одам савдоси билан шуғулланувчи “тадбиркор”ларга жуда қўл келмоқда. Улар хорижда даромадли иш ваъда қилиб, содда қишлоқлари осонгина тузоққа туширишмоқда.

Яқинда мен хорижда пул ишлаш илмига йўл олган, у ерда мисли қўрилмаган азабларга дучор бўлиб, юртимизга яримжон бўлиб қайтган бир инсоннинг суҳбатида бўлдим. Унинг овозида туганмас дард, чексиз пушаймонлик бор эди. — Исми Саттор Исмоилов, Термиз тумани Учқизил қишлоғида яшайман, — деб гап бошлади суҳбатдошим. — Уч нафар фарзандим бор. 2007 йил июнь ойининг бошлари эди. Хорижда чиқиб, бироз пул ишлаб келмоқчи бўлдим. Хотинимнинг борманг деганига ҳам қарамай, сутини болачакам ичиб турган сигиримизни сотиб, камига ошна-оғайниларимдан қара кўтариб сафарга отландим. Тошкентнинг “Ипподром” бекатига етиб келганимизда тун яримлаб қолган эди. Автобусда ухлаб тонг оттирдим. Эрталабга яқин орадаги ошхонада овқатландим. У ерда менга ўхшаб, иш қидириб юрганлар кўп экан. Нима қиличимни билмай турганимда, заррашонлик Дилмурод деган йиғитдан зўр гап эшитиб қолдим. У бу ерга мендан икки кун олдин келган экан. Рустам деган одам Санкт-Петербургда олиб кетиш учун ишчи қидираётганмиш. Дилмуроднинг ўзи ҳам Рустамнинг ишлашга кетаётганлар рўйхатига ёзилибди. Ҳозирча улар олти киши экан, агар мен ҳам ёзилсам, етти киши дарҳол жўнаб кетишимизни айтиди. Ойига 600-700 доллар иш хақи ваъда қилинаётганмиш. Ишга ёлваётган уша йиғит билан дарров гаплашдим. У оғиздан бол томиб, тез кунда катта маош олиб, бойиб кетишимизни таъкидларди. Пас-

порт ва пуллариимизни ҳам Рустамнинг қўлига топширдик. Биз унга шу қадар ишониб қолган эдикки, унинг иш

эди. Дониёр катта хўжайиннинг узок сафардалигини ва келиши билан дарҳол ҳисоб-китоб қилишини айттарди. Энг ёмони бу ердан қўчиб кетолмас эдик. Чунки хўжатларимиз “иш бошқарувчи”нинг қўлида эди. Кўчага чиқсак, ички ишлар ходимларининг қўлига тушишдан қўрқардик. Ниҳоят битта телефон топиб, Рустам берган рақамга кўнги-роқ қилдик. Компаниядан эса бунақа рақам йўқлигини билдиришди. Шундангина биз алданганимизни, Рустам бизни Дониёрга қўл қилиб сотиб юборганини тушуниб етдик.

Аммо, начора, энди қўлимизда ҳам сўрамаган эканмиз. Икки кун деганда Санкт-Петербургдаги аэропортга келиб қўндик. У ердан Дониёр деган ўзбекбашара (кейин бизга бор-йўли 100 доллардан пул тарқатди. Лекин бу пул билан юртимизга қайтиб кетолмаслигимизни ўзимиз ҳам билардик. Қолаверса, қочайлик десак, бизни ишдан қайтганимиздан кейин қўлқаб қўйишарди. Ҳа, нимасини айтасиз, чиндан маҳбуслардай сақлашарди. Инон-ихтиёри-миш уларнинг қўлида эди. Қиличини судраб келган

нинг биргина умидимиз шу темир йўл бўлаб биримиз чар тарафга, биримиз ўнг тарафга қараб кетишга қарор қилдик. Барчамизга худо ёр бўлишини тилаб хайрлашдик. Мен қор устида чамаси бир ярим икки соатлар давомида жуда тез йўл босдим. Оёғимда атғи битта юпка пайпоқ билан “кирзовой” этик. Бадамим қизиб, юганим сайин оёғим музлай бошлади. Чун-



У ерда иккала оёғимнинг барча бармоқларини кесиб ташлашди. Шундай қилмасак, ўлиб кетасан, дейишди. Она юртимдан тўрт мучам соғ кетиб, ногирон ҳолда қишлоғимизга қайтиб келдим.

ки ҳар ер, ҳар ерда этик бўйи оёғим қорга кириб кетарди. Кечкурун еган овқатимнинг ҳам кучи тугаб, қорним татайли бошлади. Мен ошиқайётган манзил қаерда, ўзи? Худога илтижо қилардим. Қани бирор-бир милт этган чироқ кўринса? Наҳотки, жисимим бегона юртларда, шу совуқ жойларда қолиб кетса, наҳотки, ўлимни қашқирларга ем бўлса? Шунда чарақлаган Ватаним қўеши кўз олдимдан ўта бошлади. Бу нима азов, эй Тангрим? Дармоним бутунлай кетиб, оёқ қўлим совуқдан тарашибай қотиб қолди. Оппок қор устига юзубан йиқилдим. Сўнг нима бўлганини билмайман.

Кўзимни очсам, уй ичи иссиқ, устимдан бир сидра бошқа куруқ кийим кийгизилган. Музаб қолган этигимни пичоқ билан кесиб, оёғимдан чиқариб олишимди. Кейин маълум бўлдики, шу ерлик бир чол мени беҳуш ҳолда топиб, уйига олиб келган экан.

Наилол, юртимга, қариндошларимга телефон қилдим. Аҳволимни айтишдан ўзга чора йўқ эди. Улар бир илож қилиб менга пул жўнатишди. Шундан сўнг шифонага тушдим. У ерда иккала оёғимнинг барча бармоқларини кесиб ташлашди. Йўқса, ўлиб кетасан, дейишди. Не-не кўргуликларни бошимдан кечирган ҳолда бир амаллаб қишлоғимизга қайтиб келдим...

Азиз мушарий, бир юртодошимизнинг иккори мана шундай. Унинг сўзлари балки бошқаларга ибрат бўлар, деган умидда қўлимга қалам олдим. Чунки бугун Саттор сингари хорижда катта маош олиб бойиб кетаман, деб ўйлайдиганлар бир-иккита эмас. Афсуски, улар жуда кўплаб учирамоқда.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Баъзи ота-оналар ўз боласининг четга чиқишига дегарли қаршилик қилишмайди. Келганида ҳам, унинг эсон-омон қайтиб келганидан хурсанд бўлиш ўрнига, боласининг қўлига қарашади. Уйга куруқ қўл билан қайтиш эса ўзини йиғитман деганлар учун ўлим билан баробар. Айнан шу жиҳат ҳам баъзи юртодошларимизнинг ўзга юртларда хору зор бўлишига сабаб бўлаётган десам, хато бўлмас керак.

Сафарали ҲАЙДАР ўғли

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояси

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг конституциявий ҳуқуқий кафолатлари" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари ходимлари, вазирлик ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари вакиллари иштирок эттишти.

Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Абдуҳалим Аҳмедов анжумани очиб, республикамиз давлат мустақиллигига эришган, жамиятимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларнинг замирида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бўлган эътибор, унинг шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилиш, инсон ҳуқуқларини энг олий қадрият сифатида эътироф этиш каби ғоялар беш мақсад сифатида мустақамланганлигини таъкидлади.

Маълумки, "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" қабул қилинганлигини мамлакатимизда кенг нишонлаш мақсадида 2008 йил 1 май кунини Ўзбекистон

Президентининг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Шу билан биргаликда, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолиятини такомиллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2008 йил 11 ноябрь кунини биринчи ўқишда Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан қабул қилинди. Юқоридаги Фар-

мон тадбирлар режаси ижросини бажариш борасида Адлия вазирлиги томонидан бир қатор ишлар амалга ошириб

Барча вилоятларда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти" мавзусидаги ёшлар иштирокида ўтказилаётган амалий учрашув ва семинарларни алоҳида таъкидлаш лозим.

келинмоқда. Жумладан, Фармон асосида Декларация қондалари жойларда ташкил этилган сайёр кўргазмалар орқали кенг тарғиб этилди. Барча вилоятларда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти" мавзусидаги ёшлар иштиро-

кида ўтказилаётган амалий учрашув ва семинарларни алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу учрашувларга шу бугунгача 10 минг нафардан ортиқ мактаб, лицей ва коллеж талабалари жалб қилинди.

Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан фақатгина инсон ҳуқуқлари ҳимояси соҳасида олиб борилган ишлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, адлия органлари ходимлари ёрдами билан қилинган муурожаатларнинг салкам 40 фоизи асосли деб топилди, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тиклаб берилди. Тегишли идораларга 663 та тақдирнома киритилиб, ижроси тўлиқ таъминланди. Натижада 194 та турли хилдаги ноқонуний қарорлар ва буйруқлар бекор қилиниб, 884 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Шу-

нингдек, қонунчиликни бузиш ҳолатлари юзасидан 159 та оғоҳнома, 195 та ёзма кўрсатма киритилган. Қонунбузарликка йўл қўйган 233 та айбдор мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилган. Суд идораларига киритилган даъво аризаларидан 241 миллион сўмдан ортиқ 980 та даъво аризалари эса судлар томонидан қаноатлантирилган.

Шунингдек, тадбирда инсон ҳуқуқлари ҳимояси юзасидан адлия идоралари ва бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларида олиб борилаётган ишлар юзасидан, хусусан чоп этилаётган ҳуқуқий адабиётлар, одам савдоси, ипотeka кредит олаётган баъзи кимсаларнинг қаллоблиқлари тўғрисида ОАВ вакилларига батафсил маълумотлар берилиб, уларнинг бу борадаги саволларига жавоб қайтарилди.

Иномжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Янги лойиҳаларга бағишланди

Олдин хабар берганимиздек, айни пайтда ЎзОАВМА "Келажақ овози" ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда ҳудудий телестанциялар қошида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги молиявий-техникавий ёрдам билан ёшлар радиостудияларини ташкиллаштириш лойиҳасини амалга оширмоқда. Шу боис "Келажақ овози" ЕТМ вакиллари иштирокида телестудиялар раҳбарлари учун ташкил этилган мазкур семинар айнан ёшлар студиялари фаолиятини йўлга қўйишга боғлиқ бўлган масалаларга бағишланди. Анжуман дастури доирасида қатнашчилар "Ўзбегим таронаси", "Алло FM" радиостанциялари бўлиб, ижодий жамоалар фаолияти билан бевосита танишишди. Тадбир давомида эса телестанция директорлари нодавлат радиостанциялар тармоғининг ишлаш механизмини муҳокама қилишди. Шунингдек, "Водий садоси" ва "Хамрох" радиостанциялари раҳбарлари ҳам ўзларининг тажрибаларини йиғилганлар билан ўртоқлашди. Қолаверса, семинар иштирокчилари радио узатгичларни ишга тушириш, зарур меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, радиостудиялардаги ижодий ҳамда молиявий-ҳужалик фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришга оид ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам жавоб олишди.

Мўлжалланган бўлиб, эртага уларнинг ТВ ва радио соҳасидаги фаолиятларига катта ёрдам беради. Шунинг учун ҳам бу лойиҳани амалга оширишда ёшларга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ноябрь ва декабрь ойларида ёш радиожурналистлар ва янгидан ташкил қилинаётган телерадиостудияларнинг техник ходимлари учун кенгайтирилган семинар ва медиа-форум ўтказиш режалаштирилган. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда эса ноябрь ойи охирида "Журналистнинг фуқаролик позицияси" — бешфарқ бўлмаслик ва конструктивлик мавзусида семинар ҳамда "Журналистлик бурчи ва шаъни биринчи ўринда" деб номланувчи теле-, радио лавҳалар танлови ўтказиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Пойтахтимизнинг "Бунёдкор" телеклубида бўлиб ўтган ушбу семинар юқоридаги масалаларни муҳокама этишга бағишланди. Шунингдек, тадбир давомида ЎзОАВМА Ахборот марказининг 10 ойлик фаолияти якунлари таҳлил қилиниб, ахборот-таҳлилий лавҳалар тайёрлашда, мавзу танлаш муаммолари, "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури концепцияси доирасида лавҳа тайёрлашдаги хатолар, репортаж тайёрлашнинг замонавий талаблари ва усуллари юзасидан фикрлашиб олинди.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ

Муҳим демократик институт

Ўзбек халқи ўзининг маҳаллалари билан ҳам жаҳонга машҳур. Маҳалла энг аввало, ўзининг фозил кишилари, оқила аёллари, ҳаракатчан, интилувчан ёшлари, бир-бирига оқибатли инсонлари билан номён бўлади. Ва мана шундай кишилар саёй-ҳаракати туфайли ўша маҳалла озода, чиройли, кўркемлиги билан ташқаридан келган кишини қойил қолдира олади.



"Бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат сингари ноёб инсоний фазилатлар айнан маҳалла муҳитида камол топади. Шу маънода, маҳаллани ўзини ўзи бошқариш мактаби, таъбир жон бўлса, демократия дархонаси, деб аташ мумкин", — деган эди Президентимиз. Кези келганда таъкидлаш ўришлики, бундай ўзига хослик дунёнинг бошқа бирон бир мамлакатига учрамайди. Маҳалла фуқаролик жамиятининг муҳим бир бўғини сифатида жамоавий қадриятларнинг устуворлигини таъминлашда миллий тарбия маскани эканлигига ҳаммамиз гувоҳимиз. Шу сабабли ўзимизга хос демократик қадриятларни шакллантиришда маҳалланинг тугган ўрнини янада ошириш баробарида маҳаллада вояга етётган ёшларни миллий мафкурамиз талаблари руҳида таълим-тарбия олишларига эътибор қаратиш лозим.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳеч қандай фуқаролик жамияти институти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари каби кўп қиррали ҳамда давлат ва жамият олдидидаги масъул фаолиятни олиб бормайди. Бунини унинг фаолият доирасида кўриш мумкин. Хусусан, **биринчидан**, фақат бир тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиламайди; **иккинчидан**, қонун талаблари асосида белгиланган мақсад ва вазифалари фақат бир ижтимоий йўналиш билан чекланмайди, яъни "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишининг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, мил-

лий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одат ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасида мустақил фаолият юритади. **Учинчидан**, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратади, уларнинг ишларига аралашига йўл қўймайди, фуқароларга ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини амалга оширишда қўмақлашади.

Фуқаролик жамиятини қуриш деганда, аввало нимани тушунамиз? Фуқаролик жамияти деганда, шундай жамиятни тушунамизки, давлатнинг вазифалари, давлатнинг ҳуқуқлари, айрим турдаги ваколатлари борки, уларни ўзини ўзи бошқариш органларига, яъни маҳаллаларга берилади. Чунки маҳалла орқали фуқароларнинг турли хил ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мумкин, маҳалла давлат ва фуқаролар ўртасида кўприк вази фасини ўтайди. Дарҳақиқат, фуқароларнинг қандай ҳуқуқлари бор, қандай манфаатлари кўзлаётганликлари ва нимага қийнаётганликларини айнан маҳалла давлат сиёсати даражасига кўтариши мумкин. Бундай масъулиятли фаолиятни самарали ташкил этиш ўша ҳудудда ҳамжиҳатлик, ободлики юзага келтириш кўп жиҳатдан фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларининг фидойилигига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлов тўғрисида"ги 2008 йил 30 сентябрдаги 551-1 сонли қаро-

рига асосан жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида навбатдаги оқсоқоллар сайлови бўлиши ва маҳалланинг жамиятни янгилаш ҳамда демократлаштиришнинг том маънодаги "демократия дархонаси" сифатида унинг ҳаётимизда тугган ўрнини янада ошириши тақозо этади.

Истиқлол йилларида маҳалла институти ривожлантириш, роли ва ваколатларини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилиб, унинг том маънодаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига айланиши учун зарур бўлган шароит ва имкониятлар яратилди. Янгилини ва ўзгаришлар жараёни аввало, фуқароларнинг давлат бошқарувини амалга оширишдаги реал иштироки ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал қилишларини таъминловчи ҳуқуқий кафолатлар тизимини яратишга қаратилди.

Бугунги кунда республикамизда уларнинг умумий сони 8794 тани ташкил этади, шу жумладан, 1629 та — шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғини, 4887 та — улар таркибидидаги маҳаллалар фуқаролар йиғини ҳамда 2278 та шаҳарлардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинидир.


Конституцияимизнинг 105-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асослари мустақамланган бўлиб, унда шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш белгиланди. Узини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш

ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланиши кўрсатилди. Асосий Қонунда мазкур норманинг белгиланиши миллий давлатчилигимиз тарихида биринчи маротаба маҳалла институтининг конституциявий институт мақомига эга бўлганлигидан далолат беради.

Бу борада Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, "Ўзини ўзи бошқариш органлари — бизнинг келажагимиз. Фуқаролик жамиятини қурмоқчи эканмиз, унинг асосларини ташкил этувчи пойдевор мана шу органлар бўлади. Биз бугун ана шу асосларни қуришни бошладик... Фуқаролик жамияти бу — ўзини ўзи бошқаришдир. Унинг биринчи ва асосий тамойили шу". 1999 йил 14 апрелдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳририда, шунингдек, 2004 йил 29 апрелдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида юқорида кўрсатилган конституциявий қондалар янада ривожлантирилди. Мамлакатни модернизация қилишда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили биринчи галда баъзи ваколат ҳамда вазифаларни марказдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топшириши кўзда тутилди. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бозор ислохотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларида маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятида қўмақлашади.

Шу нуқтаи назардан, мазкур органлар раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш ишларига ваколатли давлат органлари билан бир қаторда маҳаллада истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро масъулият билан ёндашиши, ўз фикрини эркин билдириши лозим. Бу билан улар ҳам конституциявий ҳуқуқларини амалга оширган бўлади, ҳам маҳалласининг фаровон ҳаётига муносиб ҳисса қўшган бўлади.

Ақбар НАБИРАЕВ,
Мухторжон МАҲҚАМБОВЕВ,
Адлия вазирлигининг
масъул ходимлари.



Пахта Банк

Вкладывая деньги, Вы заботитесь о Вашем будущем...
Создавайте яркое будущее Вашей семьи вместе со **стабильным** финансовым партнером.

Пахта Банк предлагает Вам срочные депозитные вклады "ФАРОВОНЛИК" и "САХОВАТ" с 18 % ставкой (годовых) со сроком на 3,6 и 12 месяцев. Вклады принимаются до 31 декабря 2008 года.

По начисленным процентам на вклад "ФАРОВОНЛИК" осуществляется капитализация.

Спешите — Ваше будущее а Ваших руках!

Пахта Банк — ключ к Вашему благосостоянию!

Пахта Банк

За дополнительной информацией обращайтесь по телефону: 150-53-65.
Услуги лицензированы.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони халқимиз алоҳида қизиқиш билан кутиб олмақда. Тўғриси, шундан кейин фуқароларнинг банкларга бўлган ишончи янада ортади.

Аҳоли учун Ғамхўрлик

Шайхонтоҳур туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам турли муассаса, корхона ва маҳаллаларда йиғилишлар ўтказиб, маъмур Фармоннинг моҳияти, уни ҳаётга татиқ этишдан кўзланган мақсад хусусида маъруза ва суҳбатлар уюштирмоқда. Солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган ўнга ақин тадбир ва учрашувлар жонли мулоқот тарзида ўтди. Илгари одамларнинг банкларга ишончи сустлиги, қолаверса, нақд пул маблағларининг банклардан ташқари айланма миқдори катталгани, бу эса ўз навбатида юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришга, аҳолининг турмуш даражасини оширишга салбий таъсир кўрсатгани таъкидланди.

Юқорида номи кайд этилган фармон аҳолининг банк тизимига муносабатини тубдан ўзгариштирди, одамлар ўз маблағларини турли чекловларсиз ва келиб чиқиш манбаларини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз омонатларга топшираётгани, натижада ҳам миқдор ҳам банк муассасаси фойда топаётгани уқтирилмоқда.

— Маҳалламизда бўлиб ўтган тадбирдан сўнг ўн бешга яқин хонадон тижорат банкларининг омонатчисига айланди, — дейди "Лабзак" маҳалласи фуқаролар йиғини оқсоқоли Рустам Ҳусанов, — Улар Президентимизнинг ушбу ғамхўрлигини аҳоли фаровонлиги учун яратилган яна бир муҳим қадам, деб баҳолашмоқда.

Ботир МУҚИМОВ,
Шайхонтоҳур тумани Давлат солиқ инспекцияси шўба бошлиғи.

АЖАБ

Қонунга зид кўрсатма

Табий газдан истеъмолчиларнинг қандай фойдаланишаётгани ҳақида қизиқиб Пайариқ туман газ идорасига борганимизда бундай маълумотлар матбуот ходимларига берилмаслигини айтишди. Сабабини сўраганимиз, жавоб ўрнига қуйидаги "хужжат"ни олдик.

"Шаҳар — тумангаз филиаллари бошлиқларига "Марказгазтаъминот" УК ушбу орқали "Ўзтрансгаз" АКнинг 2008 йил 4 ноябрдаги 21/420-сонли факсограммасига мувофиқ оммавий ахборот воситалари билан барча алоқалар "Ўзбекнефтегаз" МХКнинг информацион хизмати билан келишилган ҳолда амалга оширилиши белгиланганлигини маълум қилади.

Оқоридагиларни инобатга олиб, оммавий ахборот воситалари билан барча алоқаларни "Марказгазтаъминот" УК раҳбарияти билан келишиш талаб қилинади.

Директор ўринбосари (имзо)

Ф. БОЙЖИГИТОВ,
2008 йил 5 ноябрь".

Юртбошимиз ҳар бир анжуманда матбуот эркинлигини, ахборот олиш имкониятларини таъминлаш зарурлигини уқтирадилар. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Қонуннинг 3, 4, 7-моддаларида, "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 5, 9-моддаларида ҳар бир ташки-

лот, корхона ва муассасалар, вазирликлардан ҳеч қандай тўсиқларсиз ахборот олиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган.

Шундай экан, "Марказгазтаъминот" УК қайси қонунга асосан вилоятдаги шохобчаларига бу ҳилда кўрсатма бермоқда?

Таажубки, "Ўзтрансгаз" АК томонидан мамлакатимизда матбуот эркинлиги яратилган, ҳуқуқий демократик давлат қурилаётган бир пайтда, шу ҳилдаги кўрсатма берилишининг ўзи галати ҳол эмасми?

"Марказгазтаъминот" УК директори ўринбосари жаноф Ф.Бойжигитовга эса қонунларимиздан кўра ўзининг юқори идораси кўрсатмаси устунроққа ўхшайди.

Турғун ҲАСАНОВ,
журналист.

Бутун қалб соҳиби эди

шоир Асқар Маҳкамни эслаб



Биз Асқар Маҳкам билан таҳририятда тасодифан танишган эдик. Кейинчалик узоқ йиллар газетамизда бир хонада ишладик. Бу орада у "Ислом нури" газетасида ҳам бир муддат ишлаб келди. Хонаси доим ижодкорлар билан ғажув бўлар, уни дўсту биродарлари ҳали Хўжанд, ҳали Андижон, Кўқон ва бошқа шаҳарлардан йўқлаб келишарди. Асқар Маҳкам бағрикенг инсон бўлганлиги боис, барчани бир кўзда кўрар, хузурига келган одамларнинг кўнглини яхши сўзлар билан кўтариб, қўлидан келганча ёрдам берарди. Билим ва эътиқод, инсон ва ижодга бўлган муҳаббат у кадрлаган тушунчалар эди. Ушбу инсоний фазилатларнинг барчаси Асқарнинг ўзида мужассамлиги қалбимизни осмон қадар юксалтиради. У баъзан Сирдарё, Қофирхон соҳилларини кўмсаб, кўзига ёш олганида борми, қалби алланечук бўлиб кетган пайтлари бўлган. Асқар тўғилиб ўсган макони Жангалобод, бувижониси ҳақида ўзгача меҳр билан сўзлаб берарди.

Умуман, у одамларни севар, инсонга берилган истеъдоддан фараҳланар, қалби пок кишиларнинг хурматини жойига қўярди. Табиатнинг ноили жилвасини суйиб, томоша қилишдан зерикмасди. Инсон, табиат, ҳаёт уйғунлигини нозик илгар, нур ва соя, эзулиги ва ёвузлик ҳақида кўп ўйларди. Вафосизлиқни эқтирмади. Бу ҳикоялар, туйғулар шодаси кейинчалик унинг "Ҳақ" сайланмасига шеърлар шодаси бўлиб кирди. Шеър Асқарнинг илҳом билан дийдор кўришадиган гўшаси, юрак тугунларини ечувчи қувончи ва ноласи эди. У Жалолиддин Румий, Шамси Табризий, Фирдавсий, Хўжа Ҳофиз, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Машраб, Хувайдо, Ҳазиний каби улуг шоирларнинг ижодини кунт билан мутулаа қилди.

Жаҳон мумтоз адабиёти билан

дан, маърифат, илоҳиёт ва инсоннинг хилма-хил қирралари хусусида баҳс юритади. Шоирнинг бундан мақсади пок руҳга илоҳий сайр этмоқ йўлларини кўрсатишдир.

Асқар Маҳкам ниҳоятда олижаноб, факуллода нодир ишга амалга ошириб улгурди. Бу ҳақда профессор Нажимиддин Комилов "Ушбу китоб "Маснавий" биринчи дафтарининг бир қисмини ўз ичига олади. Демак, тақдим қилинаётган китоб Румий ижоди билан дастлабки танишувдир. Натижада бугунги ўзбек китобхонига тўхфа бўладиган бир қимматли асар вуҷудга келган" деб ёганда тамоман ҳақ эди. Домла айтганларидек, Асқар Маҳкам эл дуосини олди.

Шоир дўстимнинг Шамси Табризий, Хўжа Ҳофиз Шерозий, Амир Сайид Али Ҳамдонидан қилган таржималари ҳам мақтовга сазовордир. Чунки, бу таржималар ўзбек тилига илк бор ва пухта қилинган таржималардир. Дўстимнинг навбатдаги таржимаси зардуштийлик динининг муқаддас китоби "Авесто" бўлди. Бу нодир ва нозик таржимани амалга оширишда Пури Довуднинг форсий таъдидидан, шунингдек, авестошунослар Аҳмад Тафаззулий, Ҳошим Ризоий тадқиқотларидан ва бошқа кўпгина манбалардан фойдаланди. Диний атамалар, жой номи, асотирлар тўлиқ шарҳлаб берилди. Умуман олганда, Асқар таржимачилик соҳасида фақат ўзига хос ёдгорлик қолдириш билан бирга, миллий таржимачилик санъатини янги поғонага кўтарди. Асқар аввало, шоир... сўнг таржимон. Унинг сарғиз китоби, хусусан, "Аналхак"га кирган кўпгина шеърлари, рубоийлари билан танишган китобхон бетақорр шоир билан сирлашади ва ўзига керакли муноларини топа олади.

Лекин Асқар Маҳкамни айна ижод палласида бешафкат ўлим орамиздан олиб кетди. Агар у барҳаёт бўлганида, бу йил эллигинчи кўзни қаршилаган бўларди.

Аммо, шоирнинг ёзиб қолдирган асарлари, дилбар шеърлари ҳамиша сизу бизни қувонтиради.

Сирождидин АҲМАД


КИНО ТАҚРИЗ

Ҳинд халқининг бобурийларга эҳтироми

Аҳолиси турли миллат ва мазабларга мансуб элининг яқдиллиги, иноқлиги мамлакат тараққиётининг барқарор омилларидан бири ҳисобланади. Президентимиз бундан бир неча йил муқаддам "Мустақиллик ниҳоли кўкариши учун унга тинчлик, осойишталик, тотувлик, миллатлараро чидам ва бардош каби кучли илдизлар керак. Шунда у ҳар қандай шамоил, довул, бўронларда эгилмайдиган бўлиб улғаяди. Зеро, миллат севгиси ва эъзозни қадар улуг муқофот йўқдур. Бу муқофотга сазовор бўлишининг бирдан-бир йўли — ўзга дин, ўзга миллатни тақдирлашмаслик. Бу фаровон, тўқин кун кечирши учун яккаю ягона тўғри, ақл-идроқли, имон-эътиқодли йўлдир. Бу йўлда хато қилиш мустақилликни бой бериш билан баробардир" деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон айнан мана шу тамойилга амал қилиб, ёрқин келажак ва осудалик сари интилиб келмоқда. Аслида миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, қийин тарихий шароитларда муросано мадорга бориш миллатимиз зийнати, табиатида хос фазилат. Буни аждодларимиз босиб ўтган йўлларга қараб ҳам билса бўлади. Буюк зот Мирзо Бобур Мовароуннахрдан бориб, Ҳиндистон замининда турли динлар ва тилларга мансуб халқларни бирлаштириди, марказлашган давлатга асос солиб, минтақа мамлакатларини тараққиёт ва илғор тамаддун сари уқтди. Бу эзу амалларини унинг ворислари давом эттириб, ҳинд ва бошқа халқларнинг юксак эҳтироми ва эътирофига сазовор бўлди. Бу ҳақда тарихий манбалар сўзлаб келмоқда. Ҳа, тарих исзис қолмайди, тарих ҳеч қимни унутмайди, айниқса эзу амаллари билан халқлар орасида обрў топган сиймолар доим эъзозланиб, тилга олади.

Ҳинд ҳинд кино усталари томонидан яратилган "Жоджа ва Акбар" фильмининг моҳир таржимон ва соҳирқалам журналисти Аҳмад



Жон Қосимов томонидан ўзбек тилига ўгирилиши кўплаб адабиётшунос ва ҳиндшунос олимларимизни, бобурийлар сулоласи тарихи билан қизиқиб келаяётган мутахассисларни қувонтирди. Ушбу фильм бир қарашда бобурийлар шажараси вакилларидан бири Акбаршоҳ ва унинг ёри Жоджа ҳақида. Аммо фильмнинг асл гоёси эса инсонлар ўртасидаги муносабатлар, шу жумладан, бир минтақа ёки давлатда яшаб келаяётган турли миллат ва мазабга мансуб бўлган одамлар диний бағрикенглиги гоёсининг талқинидир. Фильмни кўрган томошабин бобурийлар сулоласининг ҳинд диёрида 300 йилдан зиёд-роқ ҳукмронлик қилишининг сабабларидан бири — бу адолатпарвар шоҳларнинг турли миллатлар ва элатларни бир қўз билан қуриб, уларнинг дардларига қулоқ солиб, маслаҳат ва машарат ила иш тутушида экан, деган хулосага келади.

Тарихдан маълумки, бобурийлар империясининг тахти Ҳумоюндан унинг ўғли Жалолиддин Муҳаммад Акбарга ўтади. Бу давр

Ҳиндистон учун буюк тараққиёт даври бўлди. Аммо бунга эришиш, энг муҳими давлат яхлитлигини асраб-авайлаш эи бобурийэзода учун осон кечмади. Панипатдаги жанглардан сўнг ёш саркарда ва шоҳ давлатни фақат хунрезлик билан бирлаштира олмаслиқни идорқ этиб, мамлакат тинчлиги, осойишталиги учун сулҳ йўлини танлайди. Ва бу мақсадни рўёбга чиқариш учун ражпутлар сулоласининг ягона суюкли қизи Жоджага уйланади, маҳаллий қабилаларга зулм эмас, мурувват кўрсата бошлайди. Бу қадам, албатта салтанат саройидаги айрим кишилар, хусусан диний пешволар, ақидапарастлар, худбин кимсаларга ёқмайди ва улар ҳиндлар ва мусулмонлар ўртасига турли низолар солиб, Акбаршоҳ тахтини эгалаш учун турли ҳийла ва найранларга қўл урадилар. Акбаршоҳ эса аксинча, ўзининг ақл-идроқини ишга солиб, мамлакатда турли дин вакилларини ўз эътиқодларини тўлиқ амал қилишлари учун шароит яратади.

Шунингдек, фильмда яхшилик, эзулик билан адолат, ёвузлик қайта-қайта рўбарў келганда, ақл, фаросат, андиша, узокни кўра билиш эзуликка пойдевор бўлганини бот-бот кўраимиз.

— Мен фильмни илк бора кўриб, — дейди таржимон Аҳмад Жон Қосимов, — энг аввало, буюк юртдошимиз Бобур Мирзо, унинг ворисларини тарихда қолдирган меросларидан гурурландим ва катта завқ-шаўқ билан таржимога киришдим. Бу йил ўзининг муборак 80 ёшини нишонлаётган атоқли адибимиз Пиримқул Қодировнинг асарлари ва бобурийлар сулоласига оид Шарқ ва Гарб манбаларини таққослаб, бу фильмда нақадар тарихий ҳақиқат талқин этилганига қойил қолдим. Таржима жараёнида «Буюк мўғуллар империяси» иборасини «Бобурийлар салтанати» деб ислоҳ қилишга жазм этдим.

Шоҳаҳор САЛИМОВ

Фермернинг туғилган куни



Сентябрь ойининг сўнги кунлари эди. "Асака ер озиғи" фермер хўжалиги шийпонига гўлган ва бошқа турли совғалар билан бир неча киши қилиб келди. Фермер хўжалиги раҳбари Раҳмиддин Ҳолмирзаев ҳайрон. Пахта йиғим-теримида энди киришилган бўлса, нима сабабдан одамлар совғалар билан келишди экан.

— Ҳайрон бўлманг, — дейди агро-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Асака тумани кенгаши раиси Ҳидоятилла Аҳмедов. — Бугун таваллуд кунингиз экан, табриклагани келдик.

Раҳмиддин ўша куни қирқ ёшга тулганини биларди, лекин бундай эътибор, қутловни кутмаганди.

Меҳмонлар Раҳмиддин акани илоҳим яхши кунларингиз кўп бўлсин. Шартнома мажбуриятларини тез кунда бажаринг, деб табриклашди.

Қаранг дуолар ижобат бўлди: фермер биринчи терим билан режани ул-

далади.

Яна бир фермер Турғунбой ота Солиқовнинг суяги деҳқончиликда қопган.

— Бу йил етмиш ёшга кирдим, — дейди отахон. — Тўғриси, мени туғилган куним билан ҳеч қим табрикламаганиди. Ҳидоятиллахонни хонадонимизга кириб келишини кўриб кўзларимга ёш келди. Одам ёши ўтган сари эътиборга муҳтож бўларкан.

Аслида Асака тумани касаба уюшмаси раҳбарлари тумандиги тағла, пахта йўналишидаги 217 та фермер хўжалиги бошлиқларининг барчасини туғилган кунлари билан табриклашни йўлга қўйди. Бунинг учун 4 миллион сўм маблағ ажратилди. Фермер хўжалиқларининг илғор теримчи механизаторлари эса 50 миңдан 80 миң сўмгача муқофотланапти. Фермер учун 10 миллион сўм маблағ сарфлаш мўлжалланмоқда.


Абдулгани ДАМИНОВ
"Андижоннома"
11.10.2008.

Аввал ўйлаб, кейин сўзланг

Телевизор кўрмайдиган кишини учратиш қийин. Курсатувларга эътибор берсангиз, биз ҳозир айтаётган фикрнинг тўғри эканлигига тўла ишонч ҳосил қиласиз. Масалан, театрларда сарғайлаштирилган асарлар, телефильмлар ижрочилари айниқса, ижрочи хотин-қиз санъаткорлар, баъзан эса турли мавзуларда қилинган чиқишларда қатнашган турли касб эгалари, ҳатто телебошловчилар ҳам гапда қаратқич келишти билан тушум

келишти (яъни "нинг" билан "ни")нинг фарқида бормай, жумлани бузиб ишлатилади. Масалан, уларнинг "жоним мени", "севгим мени", "ягона мени" дейишларини деярли ҳар кун ишитиш мумкин. Ваҳоланки, бундай ҳолларда "мени" эмас, "менинг" дейилиши керак...

Октябр ЖАВЛОНОВ
"Жиззах ҳақиқати"
22.10.2008.



Изоҳи ўзингиздан...

"Заводской ёғ"нинг касофати

Пахта ёғининг қанақаси маъқул десангиз, кўпчилик "қалоқлангани"да" дейди. Шунингдек, қўшиб ҳам қўйишди: "Лекин ёғ олаётганда диққат билан қаранг, қоққоғи маҳкам ёпилгану, "племба"си бузилмаган бўлсин".

Шарисабалик Зокир М. сотаётган қалоқланган ёғларни текширган харидор "чиғий заводской" эканига шубҳа қилмаслигини аниқ. Ёғ янги идишларга жойланган, қоққоғи маҳкам, елим идишга ёпиштирилган ёрқил ярқираб кўзни олади, телевизорда реклама қилинаётган ёғнинг ўзгачаси. Аммо... идиш ичи-

даги ёғ ўзимизнинг Чироқчида қўлбола усқуналарда ишлаб чиқаришани содда харидор кейин аниқлайди. Буни сезмаганлари эса "нега бунча аччиқ, заводский ёғ ҳам айнибди-да" деб ишлатаверади. Улар бу маҳсулотнинг идиши, ёрқилиги қоққоғи бир жойдан, истеъмолча мутлақо яроқсиз бўлган ёғнинг ўзи бошқа ёқдан келтирилдиб сотилаётганини ҳар доим ҳам билишавермайди.

Незмат МЕШКОВ
"Keu"
17.10.2008.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг моддий ва ахборот кўмағида тайёрланди. Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

АВВАЛИ

Барча маориф севгучиларга!

8-нчи январда (якшанба куни) кундуз соат 3 да қилишқ "Турон" биносида "Наши маориф" уйушмасининг биринчи қатла йалпи ўлтуруши бўлади. Кўрулатурган масалалар: 1.Муассасаларнинг доқлади ва бошқарма сайлаш; 2.Ўзбаклар орасида илмий текширишлар тўғрисида маъруза (маърузачи: Фози Олим); 3.Навбатдаги ишлар. Бу ўлтурушга барча маориф севгучилар айниқса маориф, маданият уюшмаси аъзолари, билим юрлари, таълим-тарбия техникумларининг талабалари ва турли факултатларда ўқувчи ўзбак талабаларининг аралашилари сўралур.

Муассасалар отидан: Ш.Раҳим, Ҳамид Сулаймон (Чўлпон).

"Туркистон", 7 январ 1923 йил

Чин маориф дўсти

Беш оғоч даҳа Занги ота маҳаллалик ўртоқ Саидқарим қори ўз масорифи (маблағ, пул) олти хоналик бир мактаб биноси ишлатиб эски Тошкент маориф бўлимининг ихтиёрига топширган. Маориф бўлими рухсат берганда ўзининг шул мактабда моҳиёнасиз ўқушга тайёрлигини билдирган. Маориф бўлими Саидқарим қорининг шул тақлифини шодлиқ билан қабул қилиб ўз масорифидан унга ёрдамга бир ўқитучи ҳам берган.


"Туркистон", 18 ноябр 1923 йил

Нашрга тайёрловчи: Аъзам УМАР

ДУНЁДА НИМА ГАП?

■ ФАОЛИЯТ

■ ТАФСИЛОТ



Мижозлар манфраати, ишончи биз учун муҳим,

— дейди Давлат-тижорат Халқ банкнинг Сирдарё вилояти филиали бошқарувчиси Шухрат УСМОНОВ

Мамлакат ривожининг ҳеч бир жаҳасини молия муассасалари, хусусан банкларнинг иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Давлат-тижорат Халқ банкнинг Сирдарё вилоят филиали фаолиятини ҳам замон билан ҳамнафас, доимий меҳнат ва изланишдаги муассасалардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Мазкур мо-

ЁШ ОИЛАЛАРГА ЭЪТИБОР

— Оилада тўнғич фарзандман, мендан кейин яна беш нафар укасингилларим бор, — деб сўз бошлади банкнинг боёвтулик миқдорларидан бири Ойбек Мирзақобилов. — Узим ўқитувчиман, турмуш ўртоғим Зарифа ҳамшира. Ота-онам, ука-сингилларим ҳаммамиз бир ҳовлида яшаймиз. Кўпдан бери

ТАДБИРКОРЛАРГА МАДАД

Халқимизда излаган имкон топади деган нақл бор. Бунни чуқур англаган молиявий муассасанинг ёш ва ташаббускор жамоаси вилоят аҳолисининг нақд пулга бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича ҳам бир қатор ижобий ишларни амалга оширишаётир. Чунинчи, нақд пул тушумини кўпайтириш мақсадида худудлардаги айрим савдо дўконларининг фаолияти таҳлил этилиб, лозим бўлса молиявий мадад бериш йўлга қўйилган. Нафақат мавжуд савдо нуқталарига, балки ишлайман деган тадбиркорга савдо дўкони қуришга кўмак берилапти. Масалан, жорий йилда вилоятдаги 30 та янгидан ёки қайта реконструкция қилинаётган дўконларга Халқ банки молиявий кўмак бермоқда. Шундан 7 таси янгидан қурилиб, 14 таси қайта реконструкция қилинди. Бунинг учун 220 миллион сўмдан ошқун маблағ ажратилди. Албатта, бунинг банкка ҳам, тадбиркорга ҳам қолаверса, халққа ҳам фойдаси катта бўлмоқда. Боиси савдо дўконларини ишга тушираётган тадбиркор биринчи навбатда банкнинг пулини қайтаришни ўйласа, иккинчидан халққа намунали хизмат қилишга интилади. Қарабсизки нақд пул тушумига ҳам ҳисса қўшилади. Ахир, бежизга

Шаҳар ҳудудида истиқомат қилаётган 82362 нафар фуқаролардан 852,5 миллион сўм, қишлоқларда яшайётган 103447 нафар фуқаролардан 1544 миллион сўм маблағ жалб этилди.



лия муассасанинг амалиётлар бўлимида, шунингдек, туман ва шаҳарлардаги 9 та филиал, 38 та шох-брана ҳамда 9 та мини банкда миқдорларга намунали ва кафолатли хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Республикамиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уни ҳар томонлама ривожлантириш орқали мазкур соҳанинг иқтисодийдаги улуғини янада кўпайтиришга эришиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Инчунин, аҳоли бандлигини ошириш, юртимиз бозорларини ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириб, пировард натижада фаровонликни таъминлашда айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу борада банкнинг ушбу маблағлари ҳисобидан мазкур соҳани қўллаб-қувватлаш учун тадбиркорлик субъектларига жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 1165,7 миллион сўм ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 160,2 миллион сўм миқдорда кредитлар берилди.

бошқа иморат қилишни ёки уй олишни ўйлаб юргандим. Озроқ жамғариб қўйганим ҳам бор эди.

Аҳолининг банкларга бўлган ишончи янада ортмоқда. Одамлар бемалол, ҳадиксирмасдан ўз маблағларини банкка қўйишяпти, даромад олишмоқда.

Ана шу пайтда Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони миқдордаги ўқиб қолдим. Биласизми, бу Фармон бизга қанчалик қувонч улашди. Шундан кейин керакли ҳужжатларни тайёрлаб тумандаги Халқ банки филиалига тақдим этдим. Банк ходимлари кўп ўтмасдан 15 миллион сўм маблағ беришди. Биз эса уйли бўлдик.

Ҳа, бугун Ойбек Мирзақобилов сингари ўз уйига эга бўлган ёшлар вилоятда кўпалаб топилди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2007 йилнинг 1 октябры ҳолатида 26 нафар ёш оилага 233 миллион сўм миқдорда ипотека кредити ажратилган бўлса, жорий йилнинг 1 октябры ҳолатида эш оилаларга юқоридаги мақсадлар учун ажра-



қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур дейишмайди-ку.

ОМОНАТ — ДАРОМАД МАНБАИ

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланганини қисқартириш, иқтисодийнинг жадал ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишда инвестиция ресурсларининг фойда зарур эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Аҳолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларида жалб этишни янада рағбатлантиришда Юртбошимизнинг 2008 йилнинг 20 февралда қабул қилинган "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони аҳамияти катта бўлапти. Негаки, аҳолининг банкларга бўлган ишончи янада ортди. Одамлар бемалол, ҳадиксирмасдан ўз маблағларини банкка қўйишяпти, даромад олишмоқда.

Шу боис ҳам Фармон эълон қилинганга қадар 15 турдаги омонат бўлган бўлса, бугунга келиб улар сони 22 тага етган. Ушбу жозибдор омонатларга жорий йилнинг ўтган даврида аҳолининг миллий валюталардаги қабул қилинган маблағлари миқдори 2406,6 миллион сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 881,3 миллион сўмга кўпайган. Ёки бўлмаса фозиларда ҳисобланганда омонатларга жалб қилинган маблағлар 189,3 фоизга ошган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, шаҳар ҳудудида истиқомат қилаётган 82362 нафар фуқаролардан 852,5 миллион сўм, қишлоқларда яшайётган 103447 нафар фуқаролардан 1544 миллион сўм маблағ жалб этилди.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунда юртдошларимизнинг қўлидаги бўш пул маблағларининг банк томонидан тақлиф этилаётган омонатларга жалб қилиниши омонатчининг ўзи учун даромад манбаи бўлиб қолмай, балки қўллаб-тадбиркор ушибилармонлар, фермер, ёш оилаларни ўз мустақил ишларини йўлга қўйишда, янги иш ўринларини яратишда, замонавий технология ва ускуналарни харид қилишда ҳамда нақд пул тушумини кўпайтиришнинг манбаи сифатида хизмат қилмоқда. Қолаверса, вилоятдаги пенсионерлар, талабалар кўйиники, барча бюджет ташкилот ишчи-хизматчиларининг иш ҳақларини ўз вақтида олишларига имкон яратди.

Аъзам ХУЖАКУЛОВ, "Hurriyat" мухбири.

Америкада бошланган ипотека инқирози дунёнинг деярли барча давлатлари иқтисодига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Бу эса тезлик билан чоралар излашни талаб қилмоқда. Шу нуқтан назардан олиб қарайдиган бўлсак, ўтган hafta охирида Вашингтонда бўлиб ўтган G20 саммитини ушбу йўлдаги дастлабки уриниши деб баҳолаш мумкин.

Инқироздан чиқиш йўли борми?

Саммитда жаҳоннинг энг ривожланган ва ривожланаётган ўн тўққиз давлати — Канада, Франция, Германия, Италия, Япония, Буюк Британия, АКШ, Россия, Аргентина, Австралия, Бразилия, Хитой Халқ Республикаси, Хиндистон, Индонезия, Мексика, Саудия Арабистони, ЖАР, Жанубий Корея, Туркия давлатлари раҳбарлари иштирок этди. Шунингдек, тадбирда Европа Иттифоқи ҳам алоҳида субъект сифатида қатнашди. Таъкидлаш жоизки, дунё иқтисодининг 90 фоизи шу мамлакатлар ҳиссасига тўри келади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу инқироз кўплаб давлатлар иқтисодига жиддий таъсир кўрсатди. У жаҳон биржаларида котировкалар нархларининг тушиб кетишига ҳатто савдонинг тўхтаб қолишига ҳам сабаб бўлди. Шунинг учун Европа Иттифоқи жумладан, Франция жаҳоннинг энг ривожланган ва ривожланаётган давлатлари иштирокида саммит ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Уни бошқа давлатлар ҳам қўллаб-қувватлади. Натижада Вашингтондаги ушбу учрашув ташкил этилди.

Саммит бошланишидан олдин кўплаб мутахассислар у ҳақда ўз фикрларини билдиришди. Масалан, россиялик иқтисодчи ва мамлакат президентининг собиқ маслахатчиси Алексей Илларионовнинг таъкидлашича, бундай масалаларни бир кунда ҳал этиб бўлмайди. Чунки саммитда турлича қараш, турлича ривожланиш йўлидан бораётган давлатлар раҳбарлари учрашади. Муаммо ижобий ечим топиши учун махсус комиссия тузиш лозим. Бразилия президенти Луис Инасиу Лула ва ХВФ ижрочи директори Доминик Стросс-Кан ҳам ушбу учрашувдан йирик ижобий натижалар кутиб бўлмаслигини қайд этишди.

Тадбир арафасида Хитойнинг энг нуфузли «Жаньмин жибао» газетасида катта мақола эълон қилинди. Унда ёзилишича, замонавий молиявий тизим ривожланган давлатлар томонидан яратилган ва фақат уларнинг манфаатига хизмат қилмоқда.


Мақола муаллифи бунинг учун жаҳон молия тизимидеги учта кит — Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва Жаҳон савдо ташкилотини реконструкция қилиш ташаббусини олға суради. Газетада таъкидланишича, шунда ҳалол ва тартибли жаҳон молия тизими яратилади.

Булар саммитдаги бўлган фикрлар албатта. Хўш, G20 учрашуви қандай натижа билан тугади? Жаҳон молия тизимидеги қандай ўзгаришлар кутилмоқда? Иқтисодий инқирози қандай яқун топади? Бугун ушбу саволлар кўпчиликини қизиқтириши табиий.

Таъкидлаш жоизки, йигирмалар учрашуви айрим мутахассислар айтганидек, қуруқ форум бўлиб қолмади. Унда йирик давлатлар раҳбарлари жаҳон молия тизимини 2009 йилнинг 31 мартга қадар реконструкция қилиш борасида бир ечимга келдилар. 30 апрелда эса томонлар амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот беришади. Шунингдек, улар олти муҳим йўналишдан иборат декларация қабул қилишди.

France Presse хабарига қайд этилишича, учрашув қатнашчилари бундан буён молия тизимини тартибга солиб туриш бўйича амалга оширилган ишлар режасини келишиб олдилар. Бундан ташқари, декларацияда таъкидланишича, марказий банклар иқтисодийда валюта сисъатини тартибга солишда зарур ёрдамни кўрсатиши керак. Бу иш ҳар бир давлатда ўша мамлакатдаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим.

Саммит иштирокчилари, шунингдек, ички бозорда талабни ошириш учун солиқда кўшимча имтиёзлар яратиш зарурлигини қайд этишди. Декларациянинг тўртинчи моддасида ривожланаётган ва иқтисоди шаклланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатиш масаласи



ҳақида гап боради. Бунда халқаро валюта жамғармаси асосий ролни бажариши лозим.

G20 раҳбарлари Жаҳон банки ва бошқа молия муассасалари билан ҳамкорликда ёрдамга муҳтож мамлакатларга иқтисодий кўмак кўрсатишга келишиб олдилар. Бунинг учун ривожланган давлатлар зиммасига ҳозирги иқтисодий бўҳрон даврида Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа молия ташкилотларига зарур маблағлар ажратиш мажбурияти юкланди.

Тадбир якунида навбатдаги G20 учрашувини 2009 йилнинг 30 апрель куни ўтказишга қарор қилинди. Франция президенти Саркозининг тақлифига биноан у Лондонда ўтказилган бўлди. Чунки келгуси йилдан G20га Буюк Британия раҳбарлик қилади.

Бундан ташқари, йигирмалар груҳи ўз инқирози билан жаҳон иқтисодий барқарорлигига ҳавф соладиган молия институтлари рўйхатини тузишга келишиб олишди. Бу рўйхат келгуси йилнинг 31 мартга қадар тайёр бўлади. Худди шу мuddатга келиб жаҳон иқтисодийнинг глобал тартибга солиш бўйича аниқ тақлифлар ҳам ишлаб чиқилди. Якуний декларацияда ҳар бир давлат келиб чиққан вазиятга қараб иш қўриши лозимлиги айтилган.

Кўплаб давлатлар раҳбарлари, сиёсатчилар, иқтисодчилар саммитдан қониқиб ҳосил қилганини таъкидлашмоқда. Масалан, Россия президенти Дмитрий Медведев учрашув якунида қабул қилинган декларация ҳақида гапириб, «Унда бизни ҳавотирга солаётган барча нарсалар ҳисобга олинган», деди. У тадбирдан нутқида жаҳон молия тизимидеги ислохотлар қилиш учун махсус комиссия тузиш ташаббусини олға суради.

Германия канцлери Ангела Меркелнинг қайд этишича, Вашингтондаги учрашувда жаҳон молия тизимини чуқур ислох қилиш учун йўл очилди.

Албатта, йигирмалар саммити якунлари дунёдаги барча мамлакатларда катта қизиқиш уйғотди. Чунки жаҳон бугун шундай тараққиёт йўлиги кирганки, ҳеч бир давлат айри ҳолда яшай олмайдди. Шундай бўлса-да, айрим сиёсатчилар ушбу учрашувга қарши чиқиди. Масалан, Венесуэла президенти Уго Чавес жорий йилнинг ноябрь ойи охирида Каракасда инқирозга қарши йигирма учрашувини ўтказишни ражақий қарор қилди. Бу саммитда кичик давлатлар етакчилари иштирок этди. Чавес тадбирга Боливиа президенти Эво Моралес ва Никарагуа раҳбари Даниэль Ортегани тақлиф қилган. Венесуэла етакчисининг таъкидлашича, жаҳон иқтисодий инқирози АКШда бошланган эди. Уни яна АКШ ёрдамида енгишга уриниш бемаънилик.

Нима бўлганда ҳам, Вашингтон учрашуви жаҳон молия тизимидега юзага келган муаммонини, яъни сўнги 50 йилдаги энг катта иқтисодий инқирозни енгишда маълум вазифани ўташи мумкин.

ВАЗИР СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

Украина Меҳнат ва ижтимоий сиёсат вазири Людмила Денисова мамлакат ҳавфсизлик хизмати раҳбари Валентин Наливайченкони судга берди.

«Украинская правда» газетасининг ёзишича, бунга ҳавфсизлик хизмати раҳбарининг шу йилнинг 6 ноябрь куни матбуот конференциясидаги гапи сабаб бўлган. Ушанча Наливайченко меҳнат ва ижтимоий сиёсат вазири ўринбосари чернобилчиларга ажратилган пулни ўзлаштириши ҳақида гапирган. 11 ноябрь куни эса у вазирилик ходимлари ногиронлар арачасида сотиб олишга ажратилган 60 миллион гривна ийк қилгани ҳақида интервью берган.

Людмила Денисованинг таъкидлашича, бу гаплар тухмадан бошқа нарса эмас. Шунинг учун мамлакат ҳавфсизлик хизмати раҳбари судга жавоб бериши керак.

УРАН ҚОЛДИКЛАРИ ТОПИЛДИ

Атом энергияси бўйича халқаро агентлик — МАГАТЭ 2007 йилда Исроил ҳарбий ҳavo кучлари томонидан йўқ қилинган Суриянинг махфий объектларида уран моддаси қолдиклари топилганини маълум қилди. Бу ҳақда МАГАТЭ бosh директори Муҳаммад ал-Баррадининг суэрага таъйини, NEWSru Israel хабар тарқатди. Bosh директорининг таъкидлашича, уран миқдори жуда оз ва тўйинтирилмаган.

Сурия томони бу хабарни рад этди. Сурия ташқи ишлар вазири Валид ал-Муаллимнинг таъкидлашича, уран Исроил томонидан ишлатилган бомба таркибиде бўлган бўлиши мумкин.

НИШОНГА АНИК ТЕГАДИ

Россия АКШнинг Европага урнатадиган Ракетага қарши тизимига «Ис-вобан Калининград вилоятида»



КАНДЕР» КОМПЛЕКСИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ

Милан шаҳрида дунёга машҳур La Scala опера театрида спектакллар намойиши тўхтади. Бунга театр ходимларининг иш ташлаши сабаб бўлди. Иш ташлаш театрининг кўплаб ходимларини бирлаштирган Fials касабга уюшмаси томонидан уюштирилди. Ҳабарларда айтилишича, муасикачилар ва актёрлар олийк маошларининг оширилиши талаб қилишмоқда. Уларнинг таъкидлашича, сўнги етти йилда бирор марта ҳам маош олмаган. Озиқ-овқат моллари ва квартира ҳақлари эса бир неча баравар кўтарилган.

БАҒДОДДА МЕТРО ҚУРИЛАДИ

Ироқ вазирилик маҳкамаси мамлакат пойтахти Бағдодда метро қуриш учун 3 миллиард доллар маблағ ажратилишига қарор қилди. «Интерфакс» хабарига айтилишича, метро икки йўналишдан иборат бўлади. Дастлабки лойиҳа бўйича биринчи йўналиш 18, иккинчиси эса 21 километрни ташкил этади. Метрода жами 41 та станция қурилади.

Бағдод шаҳри мэри Сабир ал-Исавийнинг қайд этишича, метро қурилиши бўйича халқаро тендер эълон қилинган.

ПАРТИЯ ФАОЛИ ЭЛЛАНГАН ЭКАН



1979 2008

Буюк Британиянинг Лейбористлар партиясида жанжал бошланди. Гап шундаки, партия фаолларидан бири Синтия Робертс ўтган сўрининг саксонинчи йилларида Чехословакия махсус хизматига айлланган экан. Бу ҳақида хабарни Чехия махсус хизматидан олинган махфий ҳужжатларга асосланиб, The Daily Mail газетаси тарқатди.

Робертс Британия парламентида кўплаб аъзолари билан яқин алоқада бўлган ва улардан ахборот олиб турган. Унинг махфий лақаби Молоток бўлган. Молоток Англиядаги энг нуфузли одамлар, ҳарбий заводалар ҳақидаги маълумотларни Чехословакия махсус хизматига етказиб берган. Кейин эса Прагага келиб яшаган. Лекин унинг разведкачи эканлигини шу пайтга қадар ҳеч ким билмаган.

ТЕАТРАДА ИШ ТЎХТАДИ

Милан шаҳрида дунёга машҳур La Scala опера театрида спектакллар намойиши тўхтади. Бунга театр ходимларининг иш ташлаши сабаб бўлди. Иш ташлаш театрининг кўплаб ходимларини бирлаштирган Fials касабга уюшмаси томонидан уюштирилди. Ҳабарларда айтилишича, муасикачилар ва актёрлар олийк маошларининг оширилиши талаб қилишмоқда. Уларнинг таъкидлашича, сўнги етти йилда бирор марта ҳам маош олмаган. Озиқ-овқат моллари ва квартира ҳақлари эса бир неча баравар кўтарилган.

ИШ ҲОРАНИ КИСКАРТИРИШ

Германиядаги энг йирик автоконцернлардан бири Opel сўраётган хужм сўраётган иқтисодий инқироз туфайли 100 мингта иш ўринларини қисқартириши мумкин. Бу ҳақда Германия автосаноат тадқиқот маркази директори Фердинанд Дүденхөффер маълум қилди.

АКШнинг General Motors концернига қарашли Opel ҳуқуматдан 500 миллион евро кредит суради. Бу маблағ корхона инқироз туфайли қўрган зарарининг ярмини ташкил этади. Концернга тезлик билан ёрдам кўрсатиш масаласи кеча мамлакат федерал канцлери Ангела Меркель, иқтисодий ва молия вазири Ми-хазель Глос ҳамда Петер Штайнбрөк иштирокида ҳам муҳокама қилинди. Ҳуқумат 100 мингта ишчи кўчада қилишдан ҳавотирда.

Эслатиб ўташим, иқтисодий инқироз туфайли октябр ойида General Motors автомобилларини сотиш 45 фоизга қамалиб кетди.

ИСТЕЪБОҒА ЧИҚДИ

Медиамагнат Рупер Мердокнинг News Corporation корпорацияси вице-президенти Марти Помпадур Европага чиқди. У ташқиётнинг Европада йўналиши бошлуғи эди. Шунингдек News Corporationнинг Россиядаги News Outdoor реклама оператори, «Наше», Ultra ва Best FM радиостанциялари, Грузиядаги «Имеди» телеканалини назорат қиларди.

Марти Помпадур нима учун истеъвоға чиққан ҳозирча номаълум. Айрим манбаларда айтилишича, Россиядаги инвестиция аҳвол Мердокни қониқтирмаган. Шунинг учун Помпадур ишдан кетган бўлиши мумкин. News Corporation сайтдаги хабарга қараганда, корпорациянинг барча активлари баҳоси 2008 йилнинг сентябры ҳолатига қўра 61 миллиард долларни ташкил этади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Бу борада банкнинг ўз маблағларини ҳисобидан мазкур соҳани қўллаб-қувватлаш учун тадбиркорлик субъектларига жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 1165,7 миллион сўм ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 160,2 миллион сўм миқдорда кредитлар берилди.




Янгиер шаҳридаги «Бекажон Ян» хусусий корхонасига эса тикувчиликни ривожлантириш учун берилган кредитлар миқдори ҳам кўриш мумкин.

Шунингдек, мазкур молия муассасаси ва унинг филиалларида Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, дехон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 194 нафар оилага 199,3 миллион сўмлик чорвачиликни ривожлантириш мақсадида имтиёзлар кредитлар берилди. Қарор чиққан буюн ўтган давр мобайнида 566,8 миллион сўмлик ана шундай кредитлар ажратилиб, 579 та хонадон 1417 бош қорамол эгасига айланди. Келтирилган шу мисолларнинг ўзиде ҳуқуқимизнинг халқ фаровонлиги йўлидаги оқилона сиёсатига муассаса жамоасининг ҳамохан фаолият юритаётганидан далolat беради.

тилган кредитлар сони 53 тани, миқдори эса 887 миллион сўмни ташкил этди. Белгиланган режадан ортқича 587 миллион сўмдан зиёд маблағ уй-жой сотиб олиш ва қуриш ишларига сарфланди. Албатта, бундай хайрли ишлар қанчадан-қанча оилаларнинг уйлари, кўнгилларини ободу чарогон қилганига шубҳа йўқ.

Шунингдек, ёш оилаларнинг банкдан олаётган истеъмол кредитларининг миқдори ҳам йилдан-йилга ошиб бораётир. Мисол учун ўтган йилнинг шу даврида 16 нафар ёш оилага 71,9 миллион сўм истеъмол кредити берилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида шундай кредит олганлар сони 44 нафар, миқдори эса 93 миллион сўмни ташкил қилди. Халқ банки томонидан амалга оширилаётган эътиборга молик ишлардан яна бири бу — ёш оилаларга ажратилаётган кредитларнинг фозилар ва мuddатларида қатор имтиёзларнинг белгиланганлиги, қолаверса, талаб этиладиган ҳужжатларнинг соддалаштирилганлигидадир.



Янгиликка интилиш

Ютуқлар гарови

Мамлакатимизда Президентимиз томонидан истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ бошланган ва изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу дунё ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланаётгани, халқаро йирик молиявий ташкилотлар Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришларга катта қизиқиш билан қараётгани ҳам бежиз эмас. Иқтисодиётнинг жадал ривожланиш босқичига кўтарилгани, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни хорижга экспорт қилишда хусусий сектор улушининг сезиларли даражада ошириб бераётгани, чет эллик сармоядорларга яратилган имкониятлар, уларнинг юртимиз бозорига қизиқишини оширмоқда.

Бошқа соҳалар қатори республикада банклар ҳам дунё молия-банк тизими тамойилларига ҳамон равишда ривожланиб бораётгани кувонарли ҳол. Буни биргина республика ДТ Халқ банки мисолида кўрадиган бўлсак, жорий йилнинг 9 ойида молиявий муассаса томонидан ҳам бир қатор кенг қўламли ишлар амалга оширилганга гувоҳ бўламиз. Ютуқлар билан бирга ҳали ишга солинмаган имкониятлар чуқур таҳлилдан ўтказилаётгани ҳам бор гап. Ҳар бир ходим ва филиаллар бошқарувчиларининг ўз вазифасига сикдикидан ёндошаётганини рақамлару ҳисоб-китоб ишларида кўришимиз мумкин. Эътиборли томони шундаки, Президентимизнинг жорий йилнинг 11 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эса ўз хизматлари билан аҳолининг турли қатламлари орасида обрў топиб бораётган Халқ банки учун янада катта имкониятлар эшигини очиб берди. Ушбу қарор талабларига кўра, амалга оширилган тадбирлар натижасида банкнинг жами капитални йил бошига нисбатан 3,2 бараварга ортиб, 92,7 миллиард сўмга етди. Шунингдек, молиявий муассасанинг жами активлари 506,6 миллиард сўмга етказилиб, шундан 82,9 фоизи, яъни 419,8 миллиард сўми даромад келтирмоқда.

Самараси беқисс кичик кредитлар

Бугун ҳаммадан кучли бўлиш учун даврнинг ўзи тадбиркордан тортиб то йирик молия муассаса етакчилари ва ходимларига ҳам бозор муносабатларини пухта ўрганган ҳолда иш юритишни талаб этмоқда. Айниқса, намунали хизмат кўрсатиш баробарида мижозларни жалб этиш ҳар бир банк ходимининг асосий вазифаларидан биридир. Қолаверса, энг мақбул шартлар асосида мижозга ҳам, банкка ҳам фойда келтирадиган соҳалар учун кредитлар ажратиш нафақат даромад, балки молиявий муассаса нуфузининг ошишига ҳам олиб келмоқда. Шу боис, жорий йил бошидан буён Халқ банки ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан иқтисодиётнинг реал сек-

тори, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда истеъмол бозорини кредитлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Мижозларга қисқа фурсатда 223,7 миллиард сўмдан ортиқ турли соҳаларни қамраб олган кредитлар берилди. Инвестицион йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштиришга эса 63 миллиард сўм ажратилди.

Шунингдек, ходимларимиз томонидан кредитларни расмийлаштириш жараёнида мижозларга бизнес режа тузиш, банк хизмати қулайликларидан самарали фойдаланиш, ҳисоб-китоб ишларини тўғри ва қонуний амалга ошириш борасида маслаҳатлар бериб берилмоқда, чунки мижозлар нечоғли тез ва қонуний доирасида даромад топса, бу банкнинг ҳам ютуғи ҳисобланади. Қилинган ишлар самараси ўлароқ, илгари фақат аҳоли омонатлари билан шуғулланган ва имкониятлари бироқ чекланган Халқ банки бугун республикамизнинг энг ривожланган молиявий муассасалари қаторидан жой эгаллади. 2008 йил бошидан бери банкнинг кредитлар портфели ҳажми 143,2 миллиард сўмга, яъни 218,6 фоизга ортиб, жами 263,9 миллиард сўмини ташкил этди. Эришилган ютуқни турли бўлимлар ва шохобчаларида меҳнат қилаётган кичик мутахассисдан тортиб тажрибали ходимларнинг меҳнати самараси дейиш мумкин. Тадбиркорлар кредит олиб қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш натижасида қўшимча иш ўринлари яратилиб, одамлар иш билан таъминламоқда. Шу ўринда қуйидаги рақамларга эътибор қаратсак: шу йил бошидан буён банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 43,9 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида эса 7950 та янги иш ўринлари яратилди. Демак, банк бераётган бир сўм икки, уч сўмга айланиб қолмасдан, хонадонларга фаровонлик келтиряпти.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоғи ва даромад манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам аҳолининг катта қисми маъмур соҳадаги маҳсулот етиштириш билан банд. Фермернинг ҳаёти эса етиштирилган маҳсулотлари салмоғи, сифати ва савдоси билан чамбарчас боғлиқ. Банк



Амалга оширилган тадбирлар натижасида банкнинг жами капитални йил бошига нисбатан 3,2 бараварга ортиб, 92,7 миллиард сўмга етди. Шунингдек, молиявий муассасанинг жами активлари 506,6 миллиард сўмга етказилиб, шундан 82,9 фоизи, яъни 419,8 миллиард сўми даромад келтирмоқда.

буни ҳисобга олган ҳолда уларга пахта ва галла етиштириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш билан бир қаторда, бошқа маҳсулотларни етиштириш учун ҳам молиявий ёрдам кўрсатмоқда. Жумладан, 218,2 миллион сўм кўчат, 622,7 миллион сўм мева-сабзавот уруғлари етиштириш, 777,2 миллион сўми картошка уруғи ва 100 миллион сўмдан ортиқ маблаг қорамоллар сотиб олишга йўналтирилган. Фермерларнинг турли қишлоқ хўжалик техникаларига бўлган талабини қондириш мақсадида эса 21,7 миллиард сўм ажратилди. Шунингдек, тадбиркорлик ва оилавий чорвачиликни ривожлантиришга бел боғлаган аёлларни қўллаб-қувватлаш ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, тадбиркор аёлларга 1,9 миллиард сўм, аёллар меҳнатидан фойдаланадиган хўжалик субъектларига 2 миллиард сўм, оилавий чорвачиликни ривожлантиришни қўзлаган кам таъминотли аёлларга 2,1 миллиард сўм ажратилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Шунинг билан бирга қаторда Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 7977 нафар кишига чорвачиликни ривожлантириш учун 7,1 миллиард сўм кредитлар берилди.

Доимо мижозлар учун қулайликлар яратиш мақсадида янги хизмат турларини жорий этиб келаётган молия муассаса яқинда яна бир янгиликка қўл урди. Банк ташаббуси билан Самарқанд вилоятида "Молиявий супермаркет" ўз фаолиятини бошлади. Энди тадбиркорлар ва мижозларга нота-риус, сугурта, консалтинг хизматлари шу ернинг ўзида кўрсатилади. Банкнинг бундай хизматидан фойдаланган самарқандлик Қодир Юсупов ўз мамнулигини яшира олмаш шундай деди:

— Олдинлари истеъмол кредити оладиган бўлсак бир неча идораларга бориб анча вақтимиз кетарди. Эндиликда эса Халқ банки томонидан ташкил этилган ушбу молиявий супермаркетда ҳамма

ишларимизни бир зумда битказаяпмиз. Биргина мисол. Мен ҳозир банкдан истеъмол кредити сифатида олган меҳнатимни ўн дақиқа ичида расмийлаштириб олиб чиқиб кетаяпман. Шундай бўлганидан кейин биз, албатта бундай хизматдан мамнун бўламиз-да.

Шуни айтиш керакки, Халқ банки 2009 йил бошидан хизмат кўрсатиш қўламини янада кенгайтириб, давлат миқёсига эга бўлган тармоқларни модернизациялаш, ривожланган мамлакатлардан сифатли ва замонавий технологияларни олиб келиш, шунингдек, инновацион тармоқларни ривожлантириш ва аҳолига янги сервис хизматларини жорий этиш мақсадида бир неча банклар билан ҳамкорликда Синдициялашган кредитни ҳам йўлга қўйишни режалаштирган. Бундан ташқари аҳоли омонатларини депозитларга жалб қилиб, банкнинг ресурс маблағларини янада кўпайтириш билан бирга мижозлар ишончини қозонишга эътибор қаратишни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Оилага эътибор — келажак пойдевори

Янгиликка интилиш, тажрибали ходимлар меҳнатидан унумли фойдаланиш, янги хизмат турларини ташкил этиш, энг муҳими мижозини банкда ҳуда-беҳуда ушлаб турмаслик, вақтнинг қадрига етиш ва мижозга доим ҳурматда бўлиш Халқ банки ходимларининг асосий вазифаларидан биридир. Бундан ташқари, ҳар бир бўлим, шохобчада мижозлар учун маслаҳатхона ишлаб турибди. Молиявий муассасанинг Интернетдаги махсус сайти ва электрон почтаси унинг янада тез ва самарали ишлашига имкон бермоқда. Мамлакатимиз келажак ҳисобланган ёшларни, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам катта эътибор берилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 4201 нафар оилага 15,5 миллиард сўм, шундан 470 нафар

оилага 7,6 миллиард сўмлик ипотека, 1938 нафар оилага 5,5 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари ва 1793 нафар оилага 2,4 миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилди.

Яна бир эътиборли томони шундаки, аҳолининг банкка бўлган ишончи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Буни омонатларга қўйилаётган маблағларнинг сезиларли даражада ошаётганидан ҳам билса бўлади. Масалан, банкнинг ресурс базаси йил бошидан буён 162 миллиард сўмга ортиб, жами 431,8 миллиард сўмини ташкил этди. Шу жумладан, жисмоний шахсларнинг маблағлари йил бошига нисбатан 82,7 миллиард сўмга ортиб, 250,9 миллиард сўмга етказилди. Қўшимча равишда 13 та янги омонат турлари очилди ва уларга 91 миллиард сўм жалб этилди. Бу, албатта, банкнинг кредит имкониятларини янада ошириши шубҳасиз.

Мижозларга янги имкониятлар

Маълумки, молиявий хизматларнинг такомиллашуви, мижозларга янги хизмат турларининг таклиф этилиши, нақд пулнинг банк орқали айланишига эришиш мамлакат иқтисодиётининг юксалишига хизмат қилади.

Ҳар бир шохобчаси ва бўлимларидаги хизмат сифати ва иш юритишнинг юқори даражада ташкил этилиши нақд пулни банкка кўпроқ жалб этилишига олиб келиши ҳам сир эмас. Бу борада ҳам йирик жамоада сезиларли ютуқлар қўлга киритилляпти. Айтайлик, жорий йил бошидан буён банк газнасига 1 триллион 90 миллиард 300 миллион сўм кирим қилинди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 343,4 миллиард сўм кўп демакдир. Қишлоқлар ва маҳаллаларда банкнинг қўчма кассалари, шохобчалари ташкил этилган ҳам коммунал тўловларини ўз вақтида тўловлар билан йиғиб

чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, Банклар ассоциацияси ва Марказий банкнинг қўшма дастурига мувофиқ эмиссия қилинган пластик карточкалар сонини жорий йил охирига қадар 155 мингга, терминаллар сони 1924 тага етказиш режалаштирилган. Жорий йилнинг октябрга қадар 146 мингдан ортиқ пластик карточкалар эмиссия қилинди. Ташкил этилган 1415та терминаллар орқали эса 26,2 миллиард сўмлик тўловлар амалга оширилди. Пластик карточкалардан фойдаланишнинг қулайлигини тарғибот этиш мақсадида Банклар ассоциациясидан 2000 дон "ЎЗКАРТ" логотипи олинди ва терминаллар ўрнатилган барча савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотларига етказилди. Шунингдек, пластик карточкалар билан хизмат кўрсатиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бугун республикамиз бўйича Халқ банки билан ҳамкорликда ишлаётган 524 та ташкилотнинг 71 мингга яқин ишчи ходимлари ўз маошларини пластик карточкалар орқали олишмоқда.

Бугунги рақобат мутахассислардан изчил изланишни, янгиликлардан хабардор бўлиб боришни, энг сўнги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этган ҳолда ўз малакаларини доимий равишда ошириш боришни талаб этмоқда. Бу тамойиллар Халқ банки тизимида ҳам кенг жорий этилган. Худудий филиаллар ва бўлимларга малакали, изланувчан ёшларни кўпроқ жалб этиш, иш юритиш тезкорлиги ва самарадорлигини янада ошириш банк раҳбариятининг диққат марказида турибди. Шу мақсадда жорий йилнинг ўзида мамлакатимиз Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида 1 нафар, Олий бизнес мактабида 2 нафар, Минтақавий банк бўлимида 10 нафар,



Бугун республикамиз бўйича Халқ банки билан ҳамкорликда ишлаётган 524 та ташкилотнинг 71 мингга яқин ишчи ходимлари ўз маошларини пластик карточкалар орқали олишмоқда.

олишга хизмат қилмоқда. Натижада қисқа фурсатда 87,5 миллиард сўм турли тўловлар, жумладан, қўчма кассалар орқали 14,2 миллиард сўм коммунал тўловлар қабул қилинди. Бу ўз навбатида кам таъминланган оилаларга ажратиладиган нафақа, пенсия ва бюджет ташкилотлари иш ҳақи тўловларини ўз вақтида амалга оширишга замин яратмоқда.

Миллий валюта қадрини ошириш нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимининг янада такомиллаштиришга беvosита боғлиқлиги амалиётда бир неча марта ўз тасдиқини топган. Шунинг учун Президентимизнинг 2007 йил 7 ноябрдаги "Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланишига жалб қилиш

Марказий банк ўқув марказида 14 нафар ва бошқа ўқув даргоҳларида, жами 658 нафар ходим ўз малакасини оширди ва таҳсил олди. Бу, албатта умумий иш жараёнига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатди.

Мухтасар қилиб айтганда, молиявий муассасанинг қўзлаган мақсади республикамиз иқтисодиётини янада ривожлантириш жараёнида, ҳақиқий рақобат муҳитида биринчилар сафида бўлишдир. Демак, ҳеч шубҳа йўқки, Халқ банки жамоаси аҳолининг ишончини янада оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларини бундан буён ҳам изчил давом эттириверади.

Халқ банки
матбуот хизмати. ®



Фермерларнинг турли қишлоқ хўжалик техникаларига бўлган талабини қондириш мақсадида 21,7 миллиард сўм ажратилди. Шунингдек, тадбиркорлик ва чорвачиликни ривожлантиришга бел боғлаган аёлларни қўллаб-қувватлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

МАЪНАВИЯТ

МУТОЛАА

ЭЪТИҚОДНИНГ ЗАМИНИ – ИЙМОН, ҚАНОТИ – МАСЛАК

«Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмақда ва эътироф этмоқда. Бу табарруқ заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуг аломаларнинг хизматлари беқийс экани бизга улкан гурур ва ифтихор бағишлайди», деган эди Президентимиз Ислам Каримов.

Таниқли ёзувчи, драматург ва публицист Абдуқаҳор Иброҳимовнинг «ЭЪТИҚОДГА БАХШИДА УМР» (Тошкент, «MERIYUS», 2008) рисоласини мутолаа қилиш асносида Юртбошимизнинг юқоридаги фикрлари хаёлимдан кечди.


Муаллиф ўзининг муҳтасар асарига бутун дунёга маълуму машҳур буюк алома ва азиз-авлиёлари-мизнинг давомчилари, биз билан асрдош ва ҳамюрт бўлган машҳур муфтийлар сулоласи: Бобо — Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон, ўғил — Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ва набира — Шамсиддинхон Бобохоннинг диний, илмий ва маърифий фаолияти ҳақида хикоя қилади.

Ушбу сулола, Абдуқаҳор аканинг таъбири билан айтганда, тўсатдан бўш ерда пайдо бўлиб қолмаган, аввало, кўп асрлик маданий, илмий ва маънавий муҳитнинг ҳосиласидир. Муфтийлар сулоласининг пойтахти-мизнинг табарруқ маскани — Ҳазрати Имом (Ҳасимом) мавзёда таваллуд топиб, воғга етгани ҳам буни яққол тасдиқлайди.

А.Иброҳимов ўз умрини эътиқодга бахшида этган инсонлар ҳаётининг маъно-моҳияти хусусида фикр юритиб, бир ўринда: «Эътиқод ўз табиатига кўра журъат, мардлик ва фидойиликни тақозо қи-

лар экан, шунга биноан унинг замини — иймон, қаноти — маслакдир», дейди.

Кези келганда, Қуръони каримнинг энг қадимий ва мўътабар нусхаларидан бири бўлган машҳур Усмон Қуръони сақланаётган Тошкентдаги Ҳазрати Имом мажмуаси бугунги кунда Самарқанддаги Имом Бухорий ва



Имом Мотуридидий зиёратгоҳлари, Шохи Зинда мажмуаси, Бухородаги Абдуқолий Гиждувоний ва Бахоуддин Накшбанд, Минораи Калон ва Масжиди Калон мажмуалари, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний ва Бурхониддин Марғонийий эдгорликлари, Сурхондарёдаги Ҳасим Термизий ва Имом ат Термизий, Хивадаги Ичан қалъа, Шаҳрисабздаги Дорут-тиловат, Қарши шаҳри-

даги Одина ва Кўкғумбаз обидалари, Кармана шаҳридаги Қосим шайх макбараси сингари ўнлаб-юзлаб мўътабар қадамжолар катори обод этилгани, доимий эътибор ва эътироф огушида эканини алоҳида таъкидлаш зарур. Буларнинг барчаси мураккаб шарафатидандир.


Дарвоқе, Абдуқаҳор Иброҳимовнинг ўзи ҳам худди шу қадимий мавзёда униб-ўсган. Шу мавзёда, муаллиф қаламига мансуб «Ҳасимом хотиралари» (Тошкент, «Фан», 2007) тарихий-маърифий бадиасини номи юқорида тилга олинган рисоланинг узвий давоми, десак янглишмаймиз. Китобда тарих ва бугунги кун воқелигининг ўзига хос уйғунлиги акс этган ҳаётий хикоялар орқали Ҳасимом хотираларига доир қизиқарли маълумотлар баён қилинган.

Муаллифнинг яна бир янги китоби — «Зиёрат» (Тошкент, «MERIYUS», 2008) олдинги рисолалардаги мавзулар изчил давом этирилгани билан эътиборни тортади. Унда А.Иброҳимов ўзининг Туркия ва Россияга сафарлари таассуротларини китобхонлар эътиборига ҳавола қилган.

Тўпламининг ўзбекча табиатга мос хос ҳолда ана шундай номлангани бежиз эмас. Зеро, китобнинг масъул муҳаррири Асрор Самад

кайд этганидек: «Ўзбек ота-онани кўргани борганда ҳам, табарруқ одамларнинг суҳбатига борганда ҳам, қадам-жамоаларга борганда ҳам — ҳаммасини зиёрат дейди. «Зиёрат» сўзининг луғавий маъноси бирор жойга боришдир, истилоҳий маъноси зиёранидир. Бинобарин, табарруқ одамларни, ота-оналарни, қадамжоларни, шаҳару қишлоқларни зиёрат қилиш зиё билан таъминлаш экан».

Ҳа, замондошларимиз-



ни, биринчи галда ёш авлодни Ватанга муҳаббат, элқуртга садоқат руҳида тарбиялашда маънавиятимизнинг ўқ илдиэлари бўлмиш Тарих ва Хотира, Қадрият ва Эътиқод, Диёнат ва Зиёрат каби тушунчаларнинг ўрни ва аҳамияти беқийсдир. Шундай экан, бу файзиёб кенг қамровли тушунчаларнинг туб моҳиятини юртдошларимиз онгу шуурига теран сингдириш йўлида баҳоли қудрат хизмат қиладиган муаллифга сўнмас илҳом ва ижодий парвозлар тилаймиз.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор.

Пешонандан ўниб толе, кўксингга гул тақиб турса

ШЕЪРИЯТ



Қадам Сайид МУРОД

Бир-бирини қақиб бири
Бир-бирини ёқиб турса.

Аҳли шоир шеър ёзмаса,
Ақли-хушидин озмаса,
Деразадан қочиб кетсанг
Ажал эшик қоқиб турса.

БИТТА НИГОҲ

Битта нигоҳ — минг битта оҳ,
Ут солди дил қалъасига.
Чидолмайди жисмим ортиқ,
Жоннинг оҳу нолаасига.

Ҳар бир куним йилча бугун,
Қадрим йўқдир қилча бугун,
Арзимайди мингта зорим,
Сочининг бир толасига.

У бир шоҳи Осмон-фалак,
Мен бир туброқ жони ҳалак.
Кимга керак, ким тушади
Икки ўтнинг орасига.

Кўзим етди, сўзим етмас,
Бўғзимдаги бўзим етмас.
Қайрилмайди, қарамайди,
Биздек бахти қорасига.

Бу дард дарди қабир бўлди,
Сабри сабил, жабр бўлди,
Қадам Сайид Мурод деган
Хоразмнинг боласига...

ГИРЯ

Эй ёлғончи,
Эй бири кам,
Сенга битта саволим бор.
Уволим-ку буйнимдадир,
Яна қанча саволим бор?

Тонлар отар,
Қулар ботар,
Ҳўлар ётар қатор-қатор.
Соврилмаган на бир хирмон,
На доним, на сомоним бор?

Гумон бир ён,
Иймон бир ён,
Гирд ёнма туида гирён.
Тўрт томоним талатўнда,
На бошим, на томоним бор.

Дарди сарим —
Гийнам мани,
Сар дафтарим — сийнам мани.
Куйиб кетган тиёра ойидам,
Ёниб ётган забоним бор.

Баҳор, кузлар,
Олов, музлар,
Шеър аталмиш тилда сўзлар.
Менинг моҳитобоним йўқ,
Менинг охир замоним бор.

Йиллар — сабр,
Йуллар — жабр,
Тилу дил кўнгишлар сабил.
Қаро ерга таним тайёр,
Жон чиқар минг томоним бор...

ҲАЖР БОШҚА

Сароб эрмас, эрмас сабр,
На бир замон, на бир давр,
Жонимдаги жонон жабр —
Ҳажр бошқа,
Ҳажр бошқа.

Бир ёниб, бир ўчмоқ — васл,
Бир қучоқлаб, қучмоқ — васл,
Бир бўса, бир учмоқ — васл,
Ҳажр бошқа,
Ҳажр бошқа.

Беҳажр дил, забонинг на,
Донинг надиб, сомонинг на,
Моҳитобон, камолинг на,
Ҳажр бошқа,
Ҳажр бошқа.

Бир гунча, бир гулдир — висол,
Бир кеча, бир кундир — висол,
Ҳажр чўғдир, кўлдир висол,
Ҳажр бошқа,
Ҳажр бошқа.

Ҳажрга тош-тарози йўқ,
На бир ҳакам ва қози йўқ,
Бундан ортиқ дил рози йўқ,
Ҳажр бошқа,
Ҳажр бошқа...

БУЛУБУЛЛАР БИР БЎЛАДИ

Устоз Абдулла Орифга.

Ҳар бир роҳда минг бир чоқ,
Ким гофил-у ким огоҳ.
Гала-гала қарға, зог,
Булбуллар бир бўлади.

Турли-турли чаман кўп,
Оқ-у қора, саман кўп,
Ёсман кўп, сўман кўп,
Булбуллар бир бўлади.

Турфа-турфа тил-у дил,
Ака-ука, ёр, сингил,
Юрак битта, бир кўнгиш,
Булбуллар бир бўлади.

Сарбонлару қарвонлар,
Утар, кетар давронлар,
Орзулар мегр армонлар,
Булбуллар бир бўлади.

Зулматдами, зиёда,
Отдами ё нийода,
Бир дунёмас, дунёда
Булбуллар бир бўлади.

ШАХСИЙ ФИКР

Бугун улоқ қизлардами?

Қишлоғимиздаги ақсарият хонадонларда азалдан от боқиб келинади. Улар йил бўйи яйловларда уюр бўлиб юришади. Уюрга энг кучли айғир бош бўлади. Билар қулунлайдиган пайтда айғир хатто уч кунга қадар ҳам қимир этмай тўдани бир ерда ушлаб туради ва шу йўл билан ёш тойчоқларни турли хатарлардан ҳимоя қилади.



Айтишларича, тойчоқ оғзидаги «сўргич» шифобахш хусусиятга эга бўлиб, қадимгилар уни баъзи оғир хасталикларни даволашда қўллаган экан.

Болалигимдан бир нарса мени доим хайратлантириб келган: фақат отнинг боласигина парда чида қил-қурак тургиларкан. Менга ўшшаган қизчалар, болакайлар панадан туриб, тойчоқнинг туғилишини кузатиб турардик. Ўрнидан тураётганида тойчоқ агар йиқилмаса, уни кўпкери учун танлаб олишар ва алоҳида парваршиш қилинар эди. Чунки чавандозлар айни ўша отдан учур тулпор чиқишини яхши билишган.

Янги туғилган тойчоқнинг тили остида бир бўлак «сўргич» бўлади. Бия болалаганида қуш-қузғунлар уни илиб кетиш учун фурсат кутишади.

қачон оёқ ости бўлмасин ва кўт-баракка аримасин, деган ният бор. Чунки хатто кўпқарида чоғиб кетаётган от ҳам ерга йиқилган одамни босиб, оёқости қилмас экан. Яна айтишадик, яхши от бошини доимо қибла томонга буриб тураркан. Шунинг учун ҳам «От инсоннинг дўсти», дейишади. Халқимизнинг бу жониворга айрича меҳр билан муносабатда бўлишида ҳам кўп хикमत яширин. Аммо бугун ўзбек йилгитлари катта шаҳарларни қўйинг, қишлоқларда ҳам меҳрларини техникага беришаётганга ўхшайди. Орзулари ҳам бевосита шунга боғлиқдай. Автомобиль, уяли телефон, компьютер, DVD... кабиларнинг соҳиб бўлиш катта ютуқ бўлиб туюлаётгандай қўринади. Аслида эса Алпомишининг авлодлари учун от миншини эпполмаслик уят саналмайди?! Наҳот, парвози баланд тулпорларнинг ўрнини бир уюм темир-терсақлар боса ола... Яна бир нарса аёнки, агар йилгитлар отдан совиб боришса, кўп вақт ўтмай эгарни қизлар эгаллашига шубҳа қилмайман. Улоқ аёлларда кетишини истамаган эркаклар эса бу ҳақда бир ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди-ёв. От устида савлат тўйиб ўтириш ўзбекнинг алп йилгитига жуда ярашади.

Нодира НОРТОВА,
УЗМУ талабаси.

ОРЗУ

Пешонандан ўниб толе,
Кўксингга гул тақиб турса.
Унг ёндаги фаршга ҳам,
Чап елканга қоқиб турса.

Эрта бўлмас, бўлмайд кеч,
Қайтар дунё қайтмаса ҳеч.
Турт томонда қирқ мингта хур
Бир ўзингга боқиб турса.

Учоқларинг учиб тинмай,
Кемаларинг тиним билмай,
Денгизларинг тўлиб доим,
Дареларинг оқиб турса.

Ганимларнинг бошлари ҳам,
Рақибларнинг дийдаси нам,

«POST TRADE» шўъба корхонаси пул ўтказиш йўли билан арзон нархларда Қирғизистон Республикаси «Майлуу-Суу электролампа заводи» ОАЖда ишлаб чиқарилган вольфрамли қуввати **100 W** ва **150 W** бўлган, уй-рўзгор ва маиший мақсадларда фойдаланиш учун электр чўгланма лампалари сотувини эълон қилади.
Маҳсулот нархи: донаси 550 – 600 сўм.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй.
Мўлжал: Бошпочтамт биноси, 3-қават, 315-хона.
Телефонлар: (8-371) 233-79-98, 754-73-15, 324-81-81.

Товарнинг мувофиқлик сертификати мавжуд.

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Сидқий Хандақлиқий мероси

XIX аср охири ва XX аср бошларида Тошкентда кўп-кўп шоирлар ва олимлар ижод қилганлар. Шундай инсонлардан бири етук шоир, моҳир таржимон, хаттот ва расом Сидқий Хандақлиқий эди. Сидқийнинг тўлиқ исми Сирожиддин Маҳмуд Мирҳозид ўғли бўлиб, Сидқийнинг тахаллуши Сидқий эди. У 1884 йилда ҳозирги Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманига қарашли Хондайлик қишлоғида таваллуд топанган (Сидқий қаламиса мансуб, 1916 йилда ёзилган, 1917 йилда андизонлик китобфуруши Мулла Мирзо Аҳмад ибн Мирзо Каримнинг маблағига чоп этилган «Мезони шариат»нинг ўзида ушбу қишлоқ номи Хандақлик, Хондақлик, ўзбек энциклопедиясида эса Хондайлик тарзида ёзилган). Сидқий Тошкентдаги Бегларбеги ва Кўкалдош мадрасаларида тахсил олган. Шоир ва олимлар билан мустаҳкам алоқада бўлиб, шеърхонлик мажлисларида қатнашган. Бу пайтда Тошкент шоирларининг энг кўза кўрингани Камий эди.

Сидқий араб ва форс тилларини мукаммал эгаллаш билан бирга шеърлар ҳам ёза бошлади. Унинг назмий асарлари дастлаб баёзларда босилиб чиқади. Кейинчалик ўзи ҳам «Савғоти Шавкат» номли баёз тузиб, 1914 йилда Тошкентда чоп этади. Дастлаб у Шавкат ва Шеван тахаллусларини қўллаган бўлса, кейинчалик Сидқий тахаллуси билан ижод қилган. Сидқий шоир бўлишидан ташқари етук хаттот ва моҳир таржимон ҳам эди. У Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Навоийнинг «Бадойиъ ул-васат», Шарафиддин Бухорийнинг «Чоркитоб» ҳамда ўзининг «Чоркитоб» ҳамда ўзининг бир неча асарларини кўчирган. XIX аср охири ва XX аср бошларида Тошкентда 27 та котиб ижод қилган бўлиб, Сидқий шуларнинг энг машҳурларидан бири Муҳаммад Шохмурод котибнинг шоғир-эди. Мухрканлик (муҳр ясаш), таъзиб (китобларга

олтин суви билан ишлов бериш) ва расм солишда эса Мирзо Хошим Хўжандийнинг этагидан тутганди. Сидқий «Алф Лайло» («Минг бир кеча»), Саъдийнинг «Бўстон», «Раҳимо», «Каримо» асарларини, «Ажойиб ул-маҳлуқот» («Маҳлуқотларнинг ажойиблари»), «Мирзо Ҳамдам» киссасини, «Киссаи шаҳзода Баҳром», «Боқмоқ керак» ва «Қабул этмади» номли китобларни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган ва бу китоблар Тошкентда тошбосма усулида чоп этилган. Сидқий ўзининг «Мезони шариат» номли китобига «Сад Қонун» («Узоқ конун»), «Тоза хуррият», «Рус инқилоби» номли асарлар ёзгани ҳақида ҳам хабар беради. Шоир ва таржимон, гўзал хусниҳат эгаси, миллиятини жонидан севгучи Сидқий Хандақлиқий 50 ёшида, яъни 1934 йилда Бўстонликдаги Парвизтепа қишлоғида вафот этади.

Камина Сидқий ҳақида илргари билсам ҳам унинг асарлари билан биринчи марта 1992 йилда тўқнаш келдим. Уша пайтда «Саодат» илмий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Муҳаммадхон Раҳимов отаси Шотурсун ота Шораҳим ўғли қўлида сақланган Сидқийнинг «Мезони шариат» («Шариат мезони») китобини олиб келди ва уни нашр эттиришини илтимос қилди. Асарни сўз боши ва изоҳлар билан бойитиб, кирилл ҳарфида таъдил қилиб бердим ва у 1992 йилда «Наврўз» нашриётида босилиб чиқди. 1997 йили эса яна Сидқий ижодида мурожаат этишга тўғри келди. Тарих фанлари доктори, профессор Хайдарбек Бобобековнинг шахсий кутубхонасида «Мирзо Ҳамдам» киссаси» номли китобнинг форсча кўлемна нусхаси сақланаётган экан. Ҳ.Бобобеков шу китобни ўзбек тилига таржима қилишни так-

лиф этди. Бу ишга шарқшунос олим, филология фанлари доктори Аҳмадхон Қуронбеков ҳам жалб қилинди. «Мирзо Ҳамдам киссаси» Абдураҳмон Жомийнинг кўп-кўп газаалари билан зийнатланган бўлиб, форс тилида эди ва уларни шеърий таржима қилиш керак эди. Қисса Сидқий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган ва чоп этилган бўлиб, мен юқоридаги олимларнинг фикрини шу таржимага қаратдим. Натигада Жомийнинг Сидқий томонидан ўзбекчага ўғирилган шеърлари А.Қуронбеков томонидан форсчадан қилинган таржимага тўлиқ киритилди ва нашр этилди. Шу ўринда Сидқий Хандақлиқийнинг шоғирди, 130 жилдли библиографик асар муаллифи Абдулла Носиров (Носихий)ҳақида ҳам гапиртиш ўринли. Хаттотлик санъати Сидқийдан ўрганиб, Абдулла Қодирийнинг «Утган кулар» романини қўлда кўчи-

риб бергани учун уч ой қамоқда ётиб чиққан бу жонқуяр зот устози вафотидан кейин, Хондайликқа бориб, Сидқий Хандақлиқийдан қолган хат-топиққа доир асбоб-анжомларни ва унинг кўлемна ва тошбосма асарларини қолга солиб, елкасида кўтариб, уйига олиб келган экан. 1946 йилда эса Шарқшунослик институтига топшириб, устозга нисбатан бўлган иззат ва ҳурмат туфайли кўлемналарни ўз қўли билан Давлат инвентар дафтарида қайд этиб, тошбосмаларни ҳам кўлемналар қаторига тиркаб қўйган, бу билан у устоз арҳиви сочилиб кетмай, бир ерда жам бўлиб туришини кўзлаган экан. Ёзувчи ва журналист Асад Асиялов ҳам кўп йиллардан буён Сидқий хотирасини абадийлаштириш учун ҳаракат қилиб келаётганини таъкидлаш лозим. Чунончи, унинг ўзи «Бу китоб ўттиз йилдан зиёд умрим давоми-

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
тарих фанлари доктори.


Ортиқали ҚОЗОҚОВ:

УЧРАШУВ

«Асарларим ватан ҳақидаги қўшиқлардир»

Кўхна дунёни товуш, сўз, ранг жилосида мукамал тасаввур этиш қанчалар қийин. Табиатнинг мўъжаз нафосати, осмоннинг ложувард, боғларнинг қаҳрабо, дарёнинг зумрад, кўшанинг мис, юлдузларнинг кумуш товушлари фақат мусаввир мўйқаламидагина яхлит санъат асарига айланади. Оддий бўёқлардан яралган бу санъат асарлари воситасида дунё гўзаллигини бемаъл қўриш мумкин.

Ўзбек тасвирий санъати ижодкорлари орасида ўз услуби ва ҳеч кимга ўхшамаган ранглари билан халқимизнинг хурмат-эътиборини қозонган Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ортиқали Қозоқов номи алоҳида жаранглайди. Мусаввирнинг қадр-қиммати фалсафий, реал фикр, образлар таярифиди эмас, балки асарлардаги тунгунмас назокат ИНСОН қалби тубидаги қувончу ҳайратлариди, оғриғу сокинлигиди, ранглари ўзига ҳос тарзда талқин қилиб, ундан кўнгилга яқин асарлар яратишда дидир.



лар алоҳида ўрин тутади. Булар ҳойнаҳой, тарихий синчиқлаб ўрганишигиз натижасида дунёга келган бўлса керак...

— Тарихий ўрганиш нафақат расом учун балки, ҳар бир инсон учун муҳим ва қизиқarli деб ўйлайман. Темурий маъналарни чизиш учун Амир Темур тўғрисида ёзилган тарихий асарларни жуда кўп мурола қилганман. Аммо кўрган, эшитган, ўқиган нарсаларни шунчаки матога кўчириш қийин. Тарихий шахсларга мурожаат қилиш учун аввало, ўзига ҳос ранглари топиш учун расом заковати, фантазияси низоғда бой бўлиши зарур. Кейин ижодкорда қанча тафаккур шаклланса, шунча саралашга имкон туғилади. Баъзи тарихий асарлар устида ишлаш жараёнида янги гоя, янги образлар туғилади. Масалан, мен Темурий маъналар сиймосини яратиб билан бирга «Соҳибқирон руҳи», «Самарқанд гўмбазлари», «Шоҳинда» асарларига ҳам қўл урдим.

— Сизнингча, ҳақиқий санъатнинг таъсири, куч-қудрати нимада?

— Аввало, санъат асари инсонни қомилликка етказиши. Санъатта ошурфта кўнгил ҳеч қачон ёмонликни билмайди. Фикрлашга қорлайдиган асарлар яратиш учун расом ҳаётини, томошабинларни қизиқтирдиган ва қалбда ҳайрат уйғотадиган деталарни топа билиши шарт. Ижодим жараёнида табиат манзараларини, ҳатто напортоморт асарларни ҳам шунчаки матога кўчиришдан қочман. Қалбимда асар яратиш учун янги гоя туғилса, аввало, уни ҳаёлимда баъдий жиҳатдан пишийтиб кейин ижодий меҳнатга шўнғиб кетаман. Асарларим инсон учун ҳам, замон учун ҳам гоявий-баъдий яхлит ва жозибали бўлиши учун тинмайман. Устахонамга ижодкорлар, санъатсеварлар кўп ташриф буюришади. Улар асарларим атрофида баҳс-мунозараларга киришганида кўнглим тоғдек кўтарилади.

— Мустақиллик шарофати тўғрисида санъат соҳасига эътибор, ижод аҳлига қилинаётган гўмбазларни сўз билан таярифлаш қийин. Бу ижодкорлар зиммасига қандай масъулият юклайди?

— Дарҳақиқат, истиқлол боис миллий санъатимиз ривожини ўз ичига олувчи асарлар яратиш учун улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу санъат-ҳаракатлар Тошкентни йиллик санъат уюмга айлантирмоқда. Мана, Ўзбекистон Баъдий академияси фаолиятига ҳам ўн йилдан ошди. Баъдий академия қанчадан қанча ижодкорларимизнинг ижодий асарларини республикада, хорижда намойиш этишлари учун барча имкониятни яратиб бераётганиги алоҳида диққатга сазовордир. Хар икки йилда бир марта ўтказиладиган халқаро Бенағиллар кўргазмаси ҳам ўзбек маданияти ҳаётининг дунёга намойиш этишлари учун имкон яратмоқда. Республикаимизнинг ўзиди кўлаб санъат галерейлари, кўргазма саройлари ёшлар ихтиёрига топширилди. Санъат институтларининг ўзбек туманларидаги ёш истеъодларини кўлаб-қувватлаш мақсадида ўтказиладиган ағънавий фестивалга ва кўрик-талловлар, кўргазмалар ёшларни келажакда етук расом бўлиб етишишга пойдевор бўлади. Албатта, бу рағбат ва эътибор устоз ижодкорлар зиммасига ҳам бугуннинг нафасини ранглар жилосида мангуликка муҳрашдек улкан масъулият юклайди. Ҳаётим ҳам мустақиллик кўргазмаси учун ағънагина асарлар яратдим. Булар орасида «Янги кўн», «Самарқандда Наврўз», «Истиқлол» сингари турмуш асарларим бор.

— Миллий санъатимиз раванқига доир юрагингизда асраб юрган гапларингиз бордир...

— Ўзбек санъати ҳақида қизиқиш катта. Бугунги кунда биз хорижда интилаётган бўлсак, хорижий мамлакат ижодкорлари эса ўз асарларини Тошкентда намойиш этишни шараф деб билишмоқда. Бу борада ўзбек ижодкорлари жон қўришларида илҳом қилиб, ўзбек расомчилик мактабини ривожлантириш босқичига олиб чиқишмоқда. Хорижда ижодий сафарларда бўлганимда чет эл расомлари асарларимга боқиб, «Ўзбекистонда ҳеч кимга ўхшамаган расомчилик мактаби борлигининг ўзи қувончли воқеадир. Юртингизда миллий ағъналар ва қадриятларини терең ағъаб чизиш учун объектлар жуда кўп. Айниқса, тарихий обидаларни сўз билан таярифлаш қийин. Бизда эса беванд иморатлар ичиди қуёш нурини кўришнинг ўзи бахт», — дея бизга ҳавас қилишади. Бундан меннинг бошим кўйка етади. Ҳақиқатан ҳам бизда чизиш учун мавзулар кўп. Биринча Самарқанд, Бухоро шаҳарларини оғъилж, қанчадан қанча миноралар, обидалар мавжуд. Ўзбек санъатини дунёга кўз-қўз қилиш вақти келди. Бундан унмлли фойдаланмоғимиз керак.

— Ижодингизда «Сароймўжоним», «Бибихоним», «Гавҳаршодбегим» сингари темурий маъналар ҳақида яратилган картина-

унданми, унинг асарлари Ўзбекистон давлат санъати музейида, Ўзбекистон Баъдий академияси Баъдий кўргазмалар дирекциясида ва Америка, Франция, Италия, Англия, Япония, Испания, Бельгия, Туркия, Кипр, Мароқаш, Канада, Исроил, Голландия ва Швейцария каби бир неча ўнлаб хорижий мамлакатларнинг галерея ҳамда шахсий коллекцияларида сақланади.

Газетамизнинг «Учрашув» сўҳбаси баҳонасида расомнинг устахонасига ташриф бу-



«Аналик осмони» асари

юрарканмиз, юксак истеъод, катта меҳнат билан яратилган «Бешбўғ», «Чанқовуз оҳанглари», «Шарк келини», «Шоҳинда», «Тегирмон», «Ватан ҳақида қўшиқ» сингари асарлар ҳамда ҳали бўёқ ҳиди кетиб улгурмаган ранг-баранг мавзулардаги картиналари тафаккуримизда миллий маданиятимизнинг ширин ва тотли таъсирини уйғотди. Мана бу расомнинг «Номушоҳ» картинаси... Асардаги ранг ёғдура чўлғонган тарихий обидалар тасвири, унинг остонасида бош эгиб ўтирган одам гўё ўтмиш суронларидан эртак сўзлаётгандек. Мана шу муҳташам ва собат иморат каби буюк бўлган маънавий юксатликдан кенчирган кўлфатларни ҳис этасиз. Бироқ, мусаввир нурлари секин-аста ҳаёлимизни ерита бошлаганини кўриб, кўнгилнингизга латиф бир ёрулж инди...

— Ортиқали ака, тасвирий санъатнинг бу қадар сеҳли, ўта нозик кирраларини фақат «қалб кўзи» билангина ағъаллаш мумкин. Катта қалб соҳибиди сифатида айтиш-чи, сизда ранглар жозибасини кўриш маҳорати қандай шаклланди?

— Отам расм чизмаган бўлса-да, уйимизда санъат асарлари осилж турарди. Илк бор ўша картиналардан таъсирланиб, рангларни таниганиман. Шунданми, қалбимда расм чизиш ҳаваси уйғонган. Бу қизиқиш мени 1985 йилда Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг расомчилик факультетига ўқишга етказди. Устозларим Ўзбекистон халқ расомлари — Раҳим Аҳмедов, Дияр Имомов каби улғу санъат усталаридан расомчиликнинг сир-синонатини ўргандим. Шу билан бирга Фарб Санъатда етакчи ўрин тутган ижодкорлар — Салъавдор Дағи, Пабло Пикассо, Анри Матисс, Поль Сезанн, Ван Гог каби дунёга машҳур мусаввирларнинг санъат мактабидан баҳраманд бўлганим, ижодимда булунмай янги бурилиш ясади. Ҳаётим, ўз услубимда замонавий йўналишда яратган «Икки устоз», «Абадий руҳ», «Зийнатлар оғъида», «Бизгидан сўнг», «Буюк илақ йўли бўйлаб» сингари қатор картиналар санъат шиваандларининг эътиборига тулганлигидан бошим кўйка етади.

— Янги асар устида ишлаш услубингиз ҳақ тарзда кенгади? Нималардан илҳомланасиз?

— Бошқаларни билладим, аммо меннинг ишлаш услубим ўзгача. Кенаси фақат эскиз

лий санъатидаги гўлдор сўзаналар, қалам-пиримчоқ нақшлар, ўзбек атласио бекасимири сержило рангларидан илҳомланаман — Сизнинг ҳар бир тарихий картиналарингиз ва манзара асарларингизда Она дунёга бўлган меҳр-муҳаббатингиз яққ элиб

туради. Расом учун Ватан ҳақида бетақорор асар яратиш осон бўлмас керак?

— Мен тўғилиб ўсган серкўчи Ўзбекистон табиати хилма-хил, ёрқин ва турфа бўёқларга бой. Ватан ҳақида бетақорор асарлар яратиш учун тинимсиз меҳнат қилишга ҳаракат қиламан. Тин олиш, мақсадга етдим дейиш ижод аҳлининг илҳомини сўндириб қўяди. Сусайган иштиёқ билан нима ярата оласиз? Яратганингиз билан кимга манзур бўлади? Шу сабабли, фақат меҳнат қилишни ўзимга шпор қилиб олганман. Яратган барча асарларим эса Ватаним — Ўзбекистон ҳақидаги қўшиқларимдир. Булар «Кўрк биринчи йил олмалари», «Авлодлар», «Уч бахши», «Самарқанд гўмбазлари», «Ватан ҳақида қўшиқ»ларимда жамланган. Ҳали Ватаним ҳақида энг яхши асарлар яратишим керак. Булар бари кўнгилда.

— Ижодингизда «Сароймўжоним», «Бибихоним», «Гавҳаршодбегим» сингари темурий маъналар ҳақида яратилган картина-

Завол топган манманлик

Дилмурод ён қўшимиз. Олий маълумотли, зийли йигит. Бир неча йил маҳалламиздаги мактабда аввал ўқитувчи, сўнг директор ўринбосари бўлиб ишлади. Мана, иккинчи йилдики, катта бир биллим юртида директор...

— Шу болага мансаб теғдию ўзгарди-қолди. Оддий ўқитувчи пайтида саломини қанда қилмасди. Энди бўлса... кўриб кўрмаганга олади. Тавба! — дейди ёши етмишдан ошган қўшни отахон.

— Саломни кўя туринг. Гап-сўзларга қараганда у касалхонада оғир аҳволда ётган онасини кўришга ҳам бормабди, вақти етишмасмиш, — дея жиғиборин бўлади маҳалла фаоли Исмоилжон ака.

— Тунов кунни Кўчкор дўкончини тўйида роса энсамизни кўтирди, — дея сўхбатга қўшилди Собиржон ака. — Тўй яримлаб қолганда келса-да, таклиф қилинган жойга бориб ўтирмайди-да. Билиб турибман, давра тўридаги «ёшулли»лар ёнига бормоқчи, аммо у ерда ўтиришга ўрин йўқ. Бизларни назари-

га иллаганини-ку айтмай қўя қолай.

— Бу бола шу кетишда кетаверса бир гап топаров, — деди боғи отахон ачиниш оҳангида. — Бир насихат қилиб кўриш керакми, дейман.

— Ҳай, билмадимов. Гапга, насихатга қўдоқ осадиганга ўхшамайди у. Ҳамкасбаридан бирини айтишга қараганда ишхонасида ҳам «осмон»да юрармиш, — деди Исмоилжон ака қуюнганча.

— Одамни синамоқчи бўлсанг — амал бериб кўр, деган гап бехуда айтилмаган экан-да, — деди Собиржон ака.

Маҳалладошларнинг сўхбатидан кўп вақт ўтмай Дилмуродни ишдан олишди. Узини, қилаётган меҳнатини қадрламаган, фақат нафс бандасига айланиб қолган манман директор устидан жамоат тегишли идораларга шакоят ёзишган эди...

Манманлик завол топди. Дилмуродни амал ҳам, «эътибор»у «хурмат» ҳам тарк этди. У энди на жамоасига, на маҳаллага қўшили олади... Энг ёмони пора олиб қўлга тушибди, судланармиш...

Нафрат

Биз ўтирган автобусга ёши олтмишлардан ошган бир одам чикди. У ўриндиққа жойлашиб олгач, қаршисидаги йўловчининг танигандай бўлди шекилли, гурунга киришиб кетди.

— Биз ҳам кўрк йилча шофёр бўлиб ишлаганмиз. Ҳозирги ҳайдовчиларга маъза, йўловчи бечора неча сўм деса бериб кетаверади. Бизнинг давримизда жуда «строгий» эди. Қатнов жадвалини бузсанг, ёки пул олиб билет бермасанг, ҳолингга вой эди. Аммо шундай бўлсада «шустрий»лар барийор йўлини топарди. Мен ҳам шулар тоифасидан эдим, — деди у ён-атрофига боққанича.

— Пенсияда бўлсангиз, нима ишлар аввало юрибсиз, уйда ёти-и-иб дам олмасдан, — сўради сўхбатдош сериги.

— Суддан келаяпман. Болам авария қилганди. Ёш йигит-да, жўрлар билан ўтиришдан чиқиб, уйдаги «Жигули»ни миниб кетибди. Ҳаммаси ичиб олган эмасми, хангомалашиб бораётганда бир қизчини уриб юбтирибди. У касалхонада вафот этган. Шунинг моҳорасида юрибман, — деди у бамайилотир.

— Чаток бўлибди-ку, энди болангизга нима бўлади? Ахир,

одам ўлган бўлса...

— Бе-е-е, чаток-патоги йўқ. Ҳаммасини тўғирладим. Мед-экспертдагиларни кўнглини топгандим, ўлим оқибатини аварияга дахли йўқ деган хулоса беришди. Судда ҳам танишларим бор. Уларнинг ҳам «олди»дан ўтгандим, иш бизнинг ҳисобимизга яқунланаяпти. Аммо қизчининг ота-оналари бўлмасин, одамлар экан. Роса жанжал қилишяпти. Жанжаллашиб ҳам нима қилишарди, — деди у мағрур оҳангида.

— Фарзанд доғи, қизчининг ота-онасини ҳам тушунмоқ керак, — деди боғи шериги ачиниш билан.

— Улган тирилмайди. Тирик қолган яшати керак. Уларга катта пул таклиф қилдим, кўншмади. Борди-ю ўғлим қамалганда ҳам барийор амнистияга тушади. Бунинг иложини қилиш қўлимдан келади, эй жўра, — деди «можаро» изида юрган одам қаҳ-қаҳ урганча.

Автобус навбатдаги бекатга келиб тўхтади. Боғи одам автобусдан тушди. Автобуснинг ичига тоза ҳаво киргандай йўловчиларнинг чехраси очилди. Одамлар унинг кетидан нафрат билан қараб қолишди.

Аҳмаджон РАҲИМОВ

ОГОҲЛИК

Эҳтиётсизлик оқибатлари

Республикамизда Вазирилар Маҳкамасининг 2008 йил 4 ноябрдаги 578-ф фармойишига асосан 10 ноябрдан 10 декабргача «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармасидан олинган маълумотга кўра, жорий йилнинг 10 ойи мобайнида шахримиз ҳудудида 1449 та ёнғин содир бўлиб, 37 киши турли даражада тан жароҳати олган. Ёнғинларнинг 70 фоиздан ортиғи фуқаролар яшаш жойларига тўғри келди.

Қаерда ёнғин чикса ёнғин учиривчулар ҳозир у нозир. Улар оловни тизгинлашда машаққатлардан чўчимай матонат кўрсатишади. Ёнғин учиривчулар жоларини гаровга қўйиб, ана шу иссиқлик бағрига қирадилар. Мамлакатимизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давом этаётган айна кунларда ҳар бир ўт учирувчи зиммасига маъсулиятни янада оширган.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ўз маҳоратларини ошириш мақсадида аниқ режа бўйича турли хил мусобақа ва семинарларда иштирок этишапти. Ойлик давомида кенг миқёсда тадбирлар амалга оширилади. Мол-мулк, моддий бойликларни ўт балосидан асрашга нафақат соҳа ходимлари, балки ҳар бир фуқаро бирдек маъсул бўлсагина кўзланган мақсадга эришилади.

Руфатилла ЗОИТОВ, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 12-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди инспектори, капитан.

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган сурат.

ЁШЛАРИМИЗ КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ



Ўзбек футбол тарихида илк мартаба Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритишди. Ушбу нуфузли мусобақанинг финал учрашувида Бирлашган Араб Амирликлари ёшлар терма жамоасидан 2:1 ҳисобида мағлуб бўлган Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига мусобақанинг Fair play («Халол ўйин») соврини топширилди. Чемпионат давомотида ўзбекистонлик футболчилар ҳакамлар томонидан 18 марта оғъалантириш оlishди. Хитойга қарши кечган чорак финал учрашувида эса дарвозабонимиз Дониёржон Усмонов майдондан чет-латилганди.

— Албатта, Fair Play совринини қўлга киритиш яхши, аммо чемпионликка эришганимизда, бундан ҳам зўр бўларди. Биз финалда бор кучимиз билан ҳаракат қилсак-да омад рақибларимиз томониди бўлди, — деди вакилларимиз устози Аҳмад Убайдуллаев.

БЕРНАРД ХОПКИНС ЖАНГДАН ВОЗ КЕЧДИ

Бокс бўйича ўта оғир вазнда жаҳоннинг мултлак собиқ чемпиони ҳисобланган Бернард Хопкинс дунёда тўрт вазн тоифасида собиқ чемпиони бўлган Рой Жонс-кичкина қарши реванш жангида рингга чиқиш истагидан воз кечганиниги маълум қилди. — Мен Рой билан муштлашганини хохламайман. Бундай қарорга қилишимнинг сабаби шундаки, британиялик Жо Кальзага қарши ўтказган учрашувида у менда катта одамдек таассурот уйғотди. Агар у ким биландир рингга чиқмоқчи бўлса, ҳеч қандай эътирозим йўқ, — дейди боксчи журналистларга берган интервьюсида.

Маълумки, икки боксчи ўртасидаги аввалги жанг 1993 йилда бўлиб ўтган эди.

БЕШИНЧИ НОҚДАҲН ГОЛИБНИ ШЕРИКЛАДИ

Биринчи оғир вазнда жаҳоннинг яна бир собиқ чемпиони британиялик Дэвид Хэй америкалик боксчи Монте Барреттга қарши рингга чиқиб, ишончли галабани кўлга киритди. Ушбу муштлашувни чарм қўлқоп устаси Витали Кличко бевосита спорт саройидан кузатиб борди. Чунки Дэвид Хэйнинг навбатдаги рақибни айнан украиналик боксчи бўлиши мумкин.

Шу ўринда жанг тафсилотларига ҳам тўхталиб ўтсак, муштлашувнинг учинчи ва тўртинчи раундида Дэвид Хэй рақибини икки марта ноқдаунга учратди. Монте Барретт эса ҳар сафар ўзини тезда қўлга ола билди. Аммо жангнинг бешинчи бўлимида у рақибига қондага зид равишда зарба берди. Шу боис учрашув ҳакамлари ундан очко олиб ташлади. Дэвид Хэй эса рақибини бу қилмиши учун кечирди. Лекин Монте Барретти бешинчи бор ноқдаун ҳолатига тушиб қолганидан сўнг, ҳакамлар учрашувни тўхтапти. Дэвид Хэйнинг галабасини эълон қилди.

НОВАК ЖОКОВИЧНИНГ МУВАФАҚҚИЯТИ

Россиялик таникли спортчи Николай Давиденко АТР турнири доирасида Шанхайда ўтказилган теннис мусобақасининг финал баҳсида сербиялик Новак Жоквичга қарши кортта чиқиб, икки сет натижасига кўра (6:1, 7:5) мағлуб бўлди. Бу галаба Новак Жоквичнинг фаолияти давомидаги ўн биринчи мувафаққиятидир. Жорий мавсумда у «Мастерс» турнири сериясига кирувчи Австралия очиқ чемпионатида ҳамда Хиндустон, Уэллс ва Римдаги мусобақаларда голиб бўлиб, бу йил АТР рейтинг жадвалини учинчи ўринда яқунлади. Давиденко эса жорий йилда бир марта — Эшторл мусобақасида чемпионликни қўлга киритди. Ва АТР рейтинг жадвалининг тўртинчи пономисини банд этди.

Азим РУЗИЕВ таяёрлади.

2003 йилда А.Қодирий номидаги Тошкент маданият институти томонидан Алимова Фирюза Шомуродовна номига берилган В.107975 серияли диплом йўқолганлиги тўғрисида бекор қилинади.

Газетанинг навбатдаги сони 3 декабрь кунни чиқади.